ҚОЗОҒИСТОНЛИК ПАХТАКОРЛАР МАСЛАҲАТИГА АМАЛ ҚИЛИБ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 144 (2692). | Жума 24 июль 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЧЕКАНКАНИ КЕЧИКТИРМАНГ

Қозоғистон пахтакорлари текширишни 1-«Далварзин» совхозидан бошладилар. Мана, совхозининг ўртоқ К. Алимов бошлиқ бригадасининг пахтазорлари. Ғўзанинг ривожи яхши, ўтдан тозаланган.

— Ўсимликни серҳосил қилиб ўстириш учун анча меҳнат қилганликларингиз кўриниб трибди,—дейишди мусобақадошлар,— бунинг учун раҳмат. Ана шу ютуқни мустаҳкамлайман десангиз чеканкани тезлаштириб юборинглар. Акс ҳолда ҳосилнинг бир қисмини бой бериб қўясиз.

Маълум бўлишича, 8-бўлимнинг бошқа бригадаларида ҳам агротехниканинг ана шу муҳим тадбири — чеканка кечиктириб юборилаётган экан. Шунинг учун ҳам ғўза бўйига ўсиб кетиб, ҳосил тўплаши кечикяпти. Ваҳоланки, чеканкани тезлаштириш учун ҳамма имконият бор. Мавжуд учта чеканка машинасидан биронтаси ҳам ишламаётганлиги мусобақадошларни ранжитди.

— Бу машиналар совхозимизнинг бошқа бўлимларида ишлатиляпти. —деб ишонтирмоқчи бўлди мусобақадошларни совхознинг бош агрономи ўртоқ М. Чулаков.

Бу гап тўғрими? Далаларни айланган қозоғистонлик пахтакорлар совхознинг 3-бўлимида бўлганларида культиваторга чеканка мосламаси тиркаб қўйилганлигини кўрдилар. Бироқ текширишда у машина ишламаётгандиги маълум бўлди.

Звено бошлиғидан унинг сабабини сўраганларида, у ҳали юқоридан команда бўлгани йўқ, шунинг учун ишлатмай турибмиз, деб жавоб берди.

Умуман олганда совхоз бўйича юзлаб гектар майдондаги ғўзанинг чеканкаси кечиктириб юбориляпти. Совхозда бу ишни тезлаштириш учун чора кўрмаётирлар.

Иккинчи бўлимнинг ўртоқ Бобоев бошлиқ бригадасида чеканка бораётган эди.

— Кундалик норма қанча? — деб сўрашди қозоғистонликлар.

Бироқ ҳеч ким бу саволга жавоб бера олмади. Кўпчилик ишчилар ўз бригадаларининг плани, мажбуриятини билмайди. Киши маълум бир мақсадни дилига жо қилиб, иш юритмагандан кейин, албатта, меҳнатнинг баракаси бўлмайди-да!

Совхоз партия ташкилотининг секретари М. Олтмишов бу соҳадаги камчиликни тан олди. Ҳақиқатан ҳам совхозда кишилар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаганлигини эътироф этди. Лекин бундай қуруқ эътирофдан нима фойда?

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари, шунингдек Ленин номли колхозда ҳам бўлдилар. Улар колхознинг ўртоқ Абдубашар Усмонов бошлиқ хўжалик ҳисобида нарядсиз ишлайдиган звеноси иши билан атрофлича танишдилар. Звенода механизациядан ишнинг нўёнин билиб, унумли фойдаланиётганлигини кўриб хурсанд бўлдилар. Экин майдонининг деярли ярмидан кўпидаги ғўза машина билан чеканка қилинибди. Ғўза тупларида кўплаб бўлиқ кўсаклар пайдо бўлибди. Июль ойида—дейди, звено бошлиғи, —ҳар туп ғўзада кам деганда 8 тадан кўсак тўплаймиз.

Колхознинг Х. Раззоқов, А. Жуманов ўртоқлар бошлиқ хўжалик ҳисобида ишлайдиган бригадаларида ҳам ғўза парвариши яхши бораяпти.

Мусобақадошлар Бекободдаги Навоий номли, «Победа» сингари колхозларда бўлганларида кўпгина камчиликларни аниқладилар. Айниқса, тунги суғориш ёмон ташкил этилганлигини қайд қилиб, ғўза парваришини кучайтириш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

Текширишнинг натижалари ўша жойларнинг ўзида, кейин район активларининг кенгашида муҳокама қилиниб, камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланди.

А. МАЛИКОВ.

ҲОЗИРГИ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ

Ҳозирги гул, кўсак — олтин билан тенг. Хўш, ўртачирчиқлик пахтакорлар гулни кўпайтириш, кўсакларни тўла сақлаб қолиш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Қозоғистонликлар бу саволга тўла жавоб олиш учун бошқарма хўжаликлари далаларини эринмай айландилар. Меҳмонлар «Ленин йўли» колхозида бўлганларида колхоз правлениесида қизғин суҳбат бўлиб ўтди.

— Бу йил қанча майдондаги пахтани машиналар билан териб олмоқчисизлар? —дейди Чимкент область Туркистон район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳ. Негматжонов.

— Колхозимизда бу йил жами 2335 гектар ердаги пахтанинг 1300 гектарини машиналар билан териб оламиз. Мавжуд 28 та терим агрегатимиз асосан мавсумга тахт қилиб қўйилган. Шунингдек ғўза баргини тўкиш учун олдиндан икки тонна фоникс заҳарли химикати ҳозирлаб қўйдик.

Мусобақадош область вакиллари колхознинг пахта далаларини айланиб кўрдилар. Уларда 4- ва 6-бригадаларнинг серҳосил ғўзалари яхши таассурот қолдирди. Бироқ ўртоқ Нозим Мирзаалиев бошлиқ 5- ва Ҳасанбой Турсунматов бошлиқ 7-бригадаларда камчиликка йўл қўйилаётганлиги жуда тўғри очиб ташланди. 5-бригадада культивация, ўғитлаш ва суғориш билан боғлиқ муҳим агротехник тадбирлар кўнгилдагидек олиб бориляпти-ку, лекин чеканка кечиктириб юборилган.

Эгатларни оралаб, кўчатларнинг аҳволини кўздан кечирган меҳмонлар ғўза тупларининг анча ўсиб кетганини, ён шохларининг яхши шаклланмаганлигини аниқладилар. 7-бригадада ҳам чеканка сифатсиз ўтказилибди. Ғўза тупларининг тепа ўрта шохларигина чилпилиб, ён шохлари чеканка қилинмай қолдирилган.

Шунингдек Энгельс номли колхознинг Сулаймонов бошлиқ 15- ва Эгамбердиев ўртоқлар бошлиқ 1 ва 2-бригадаларида ҳам бу тадбир сифатсиз бажарилмоқда. 2-бригадада чеканканинг аҳволи эйниқса чатоқ. Бу ишга мактабнинг ёш ўқувчилари жалб қилинган. Уларнинг бажараётган ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди.

— Чеканкани қандай ўтказишни биласизми? Сизларга ўргатишганми?— сўрайди Чимкент область Туркистон ишлаб чиқариш бошқармасининг агрономи Сайфиддин Жузбоев, мактаб ўқувчиси Йўлдошевдан.

— Йўқ...— жавоб қилади у.

Мактаб ўқувчиларининг иши назорат қилиб борилмаяпти. Бригаданинг сифат инспектори ўртоқ Сардоров юқоридаги аҳволдан хабардор бўлгани ҳолда парвойиллак юрибди. Ишнинг сифатини текширишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Свердлов номли колхозда бўлинганда чимкентлик ўртоқлар бу ердаги бебошликни кўриб қаттиқ ранжидилар. Ўртоқ Пўлатов бошлиқ бригаданинг 30 гектарча ердаги ғўзаси чанқаб қолган. Сувчилар суғориш агротехникасига риоя қилмаяптилар. Усимлик саратон сувига яхши қонмаяпти, ҳосил тугунчаларини тўкиб юбормоқда. Энгельс номли колхознинг 15-бригадаси сувчиси Анаш Айтбоев ғўзаларни ҳозирги кун талаби билан эмас, балки ўз ҳоҳишича суғормоқда.

Энгельс номли колхознинг 1-бригадасида қатор ораларига сифатсиз ишлов бериляпти. Бригада бошлиғи Эгамбердиев агрегатни нўноқлик билан бошқараяпти. Гектарлардаги ғўзалар кам ҳосил бўлиб ўсаётгани устига улар қирқиб, нобуд қилиб кетиляпти. 15-бригаданинг 3-звеносида механизатор Маъмур Жониқулов бошқараётган культиваторнинг эса иш органлари тўла эмас. Колхозда машина терими мавсумига ҳам ёмон тайёргарлик кўриляпти. Бу йил колхознинг 800 гектардаги пахтаси машиналар билан териб олинади. Далаларда 19 та ХВС ишлайди. Лекин ремонт ишлари кечикяпти. Шу кунгача график бўйича ремонт қилиниши лозим бўлган 6 та машинадан энди биттаси тахт қилинган. Ремонтчилар ва механик ҳайдовчилар тўла аниқланган эмас. Юқоридаги каби камчиликлар Терешкова номли ва «Коммунизм» колхозларида ҳам учрайди.

Мусобақадошлар ишда хатога йўл қўйган ўртоқларни ҳақли равишда танқид қилдилар. Камчиликларнинг олдини олиш юзасидан дўстона маслаҳатлар бердилар.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

Қозоғистонлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан бир группаси Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхози далаларида бўлиб ғўзаларнинг аҳволи билан танишдилар. Суратда: қозоғистонлик меҳмонлар «Политотдел» колхози даласида.

В. Салов фотоси.

Н. С. ХРУШЧЕВ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ВАРШАВА, 23 июль. ТАСС махсус мухбирлари **Д. Бочаров** ва **В. Кузнецов** хабар берадилар:

Меҳмондўст Варшава бугун эрталаб ҳурматли совет меҳмони — КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан рафиқасини узатиб қолди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва ҳукуматининг таклифига биноан, Н. С. Хрушчев халқ Польшасининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашди.

Н. С. Хрушчевни узатиб қолмоқ учун Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретарлари, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва ҳукуматининг аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Поляк қўшини генераллари ва офицерлари, дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, поляк ва чет эл журналистлари, Польша пойтахти меҳнаткашларининг минг-минглаб вакиллари аэродромга келдилар.

Н. С. Хрушчев узатиб қолувчилар олдидан ўтади ва варшаваликлар билан самимий ҳайрлашади.

Н. С. Хрушчев самолёт ёнида В. Гомулка ва Ю. Циранкевични қучоқлаб, уч марта ўпади, бошқа поляк раҳбарларининг қўлларини қисиб кўришади.

Варшава вақти билан соат 10 да кумушранг ИЛ-18 парвоз қилиб, Москвага қараб йўл олади.

Н. С. ХРУШЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев 23 июлда рафиқаси билан бирга Москвага қайтиб келди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Н. С. Хрушчевни Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, министрлар, меҳнаткашларнинг вакиллари, Москва партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Польша Халқ Республикасининг СССР даги элчиси Эдмунд Пшчулковский, СССР даги бошқа дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам бор эди. (ТАСС).

ПОЛЬШАДА УМУМХАЛҚ ТАНТАНАЛАРИ

ВАРШАВА, 21 июль. ТАСС махсус мухбирлари **Д. Бочаров** ва **В. Кузнецов** хабар берадилар.

Бугун кечқурун Варшавадаги Маданият ва фан саройида халқ Польшасининг 20 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Саройнинг кенг, байрамлардагидек безатилган Конгресслар залига Варшава меҳнаткашларининг вакиллари, пойтахт корхоналарининг ишчилари, сиёсий арбоблар ва жамоат арбоблари, Польша қўшининнинг генераллари ва офицерлари, фан ва маданият, санъат арбоблари, поляк ва чет эл журналистлари йиғилишди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси А. Завадский, Министрлар Советининг Раиси Ю. Циранкевич ҳамда партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари президиумга чиқиб келишганида, мажлис қатнашчилари уларни қизғин табриклашади. Ҳозир бўлган халқ Польшасининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантаналарга келган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевни, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотнийни, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Вальтер Ульбрихтни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради.

Халқ бирлиги фронти Бутун Польша комитети номидан тантанали мажлисни Давлат кенгашининг Раиси, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Завадский очади. У, Совет Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси ва Германия Демократик Республикасидан келган ҳурматли меҳмонларни самимият билан табриклаб, уларнинг байрамда ҳозир бўлиши социалистик мамлакатлар дўстлигининг символидир, деди. А. Завадский доклад қилиш учун ўртоқ Владислав Гомулкага сўз берди. Залда яна гулдурос қарсаклар кўтарилади.

Кўпгина муҳим воқеалар орасида, деди Владислав Гомулка, 1944 йил 22 июль куни эрталаб ўнинчи эгаллаб турибди. Бу кун Буг дарёсидан Одер ва Нейссе дарёларига қадар кўзилган янги чегаралар ва мамлакатимизнинг мустақил ҳаёти тикланганлигидан дарак бериб қолмай, айни пайтда Польша давлатининг минг йиллик тарихида, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида бурилиш нуқтаси бўлганлигидан ҳам дарак бериб турибди. Бу — поляк халқи янги ҳаёт сари, энг яхши адолатли ижтимоий тузум — социализм сари курашга отланган кундир.

Халқ Польшасининг 20 йиллигини, деб сўзини давом эттирди Владислав Гомулка, бугун биз дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан, қўшни социалистик мамлакатлардаги қардош халқлар партия ва ҳукуматларининг вакиллари билан биргаликда кутиб олмоқдамиз.

Владислав Гомулка Н. С. Хрушчев, А. Новотний ва В. Ульбрихт ўртоқларни чин юракдан қизғин табриклади. Азиз меҳмонларимиз, ўртоқларимиз, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг ҳозир бўлишлари, деб таъкидлади у, иккинчи жаҳон уруши ва марксчи-ленинчи партияларимизнинг сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда содир бўлган чуқур ўзгаришларнинг символидир.

Халқ Польшаси, деди нотиқ, гитлерчилар Германияси урушда мағлуб бўлганлиги ва Польша буржуазиясининг реакцион сиёсати инқирозга учраганлиги натижасида майдонга келди. Совет Армияси ва у билан ёнма-ён жанг қилган Польша қўшинлари мамлакатимизни гитлерчиларнинг қонли асоратидан халос этдилар. Польша қўшинлари, Совет ҳукуматининг ёрдами билан Польша коммунистлари томонидан совет тупроғида ташкил қилинган эди. Поляк халқи ишчилар синфи ва меҳнаткаш халқнинг революция авангарди — Польша Ишчи партияси раҳбарлиги остида, Крайова Рада Народовада бирлашган сўл демократик партиялар билан ҳамкорликда янги тарихий йўлга тушиб олди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари уруш ва гитлерчи босқинчиларнинг талончилиги орқасида Польшада вужудга келган даҳшатли иқтисодий вайронгарчилик ҳақида гапирди. Ҳозир, деди докладчи, мамлакатимиз янги қурилишларнинг ҳавозалари билан ўраб олинган. 20 йил мобайнида халқ Польшасида нималар қурган бўлсак, шунинг ҳаммасини ўз куч-ғайратларимиз туфайли, социалистик мамлакатларнинг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами доимо чуқурлашиб бораётганлиги туфайли бунёдга келтирдик. Бу ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан тез тиклаб олиш ва индустриалаштиришнинг омили бўлиб қолди.

Янги Польша, деб таъкидлади Владислав Гомулка, социализм душманларига қарши курашда тобланди ва камол топди. Социализм ва халқ Польшаси душманларининг ҳамма уринишлари шармандаларча барбод бўлди. Шундай бўлганига сабаб шуки, ана шу душманлар партиямизга ва халқ ҳокимиятига қарши курашда таяна оладиган социал ва сиёсий негиз йилдан-йилга йўқолиб борди.

Ўтган 20 йил мобайнида тинчлик ва озодликнинг асосий таянчи — халқлар улуғ социалистик ҳамдўстлигига аъзо бўлиб кирган давлат сифатида Польшанинг қудрати қўриқлаб турибди. Совет Иттифоқининг харбий техника соҳасидаги ҳиссаси бунда асосий роль ўйнамоқда.

Докладчи Ғарбий Германия милитаризми Европада ва бутун дунёда тинчликка жиддий хавф-хатар солаётганини кўрсатиб, Бонн ҳукуматининг реваншчиликдан иборат даъволарига қаттиқ зарба берди. Агар Ғарбий Германия милитаризмининг сиёсати, унинг халқаро вазиятни кескинлаштириш йўлидаги интилишлари Атлантик блокидаги ўз иттифоқчиларининг сиёсати билан, Қўшма Штатлардаги агрессив кучларнинг муддаолари билан чатишиб кетмагани эди, деди докладчи, Ғарбий Германия милитаризмига унчалик эътибор берилмаса ҳам бўла берар эди.

Польшанинг озодлиги ва мустақиллиги учун, поляк халқини гитлерчилар панжасидан қутқариб олиш учун, деди Владислав Гомулка, неча юз мингдаб поляк солдатлари, партизанлари ва курашчилари қатори неча юз мингдаб қаҳрамон совет жангчилари ҳам Польша тупроғида ўз жонларини қурбон қилганликларини биз ҳеч качон унутмаймиз.

Владислав Гомулка мамлакатни тиклашдаги энг оғир даврда ва саноатни ривожлантиришдаги бутун 20 йил мобайнида совет ишчилари, инженерлари ва мутахассислари Польшага ёрдам кўрсатиб турганликлари учун Совет ҳукуматига миннатдорчилик билдирди.

Сўнгра, нотиқ жаҳон коммунистик лагери ва социалистик мамлакатлар бирлигини бузишга уринишлар бехуда экнлигини уқтирди. Хитой Коммунистик партиясининг айби билан жаҳон коммунистик ҳаракатида вужудга келган ихтилофлар, деди у, бу ҳаракатнинг бирдамлигини қўпормоқда, социалистик мамлакатлар бирлигига болта урмоқда. Бунинг кучимизга кучсизлиги шак-шубҳасиздир, бунга социализмнинг ҳамма душманлари хурсанд бўлмоқдалар. Социалистик мамлакатлар ва халқаро революцион ишчилар ҳаракати ўз тарихида бундай кийинчиликларни неча мартадан кўриб, енгиб келдилар ва ҳамишаш шундай қийинчиликдардан тобланган ҳолда чиқдилар. Душманларимизнинг умидларини пучга чиқариб, социализм ҳозирги ихтилофларни ҳам эртами-кеч бартараф қилади.

Партиямиз IV съезди қабул қилган программа, — деди пировардида Владислав Гомулка, — поляк халқи ишчилар синфи бошчилигида ва партиямиз раҳбарлигида 20 йилдан буён одим ташлаб келаётган тарихий йўлдаги янги машъалдир.

Ўтган йилларидаги каби бундан буён ҳам миллий вазифаларимизни амалга оширишда ҳамма социалистик мамлакатларнинг дўстлиги, қардошлиги, ҳамкорлиги ва бирлигидан иборат улуғ социалистик идеялар, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми идеялари бизга хизмат қила беради.

Раислик қилувчи шундан сўнг Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевга сўз беради. Бутун зал ёппасига ўрнидан туриб азиз совет меҳмонини гулдурос, давомли қарсаклар билан олқишлайди. (Н. С. Хрушчев нутқи газетамизнинг шу сонида босилди).

Ҳозир бўлганлар томонидан қизғин кутиб олинган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Антонин Новотний минбарга чиқади.

Пиғилиш қатнашчилари томонидан самимий олқишлар билан кутиб олинган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Вальтер Ульбрихт нутқ сўзлайди.

В. Гомулканинг доклади ҳамда Н. С. Хрушчев, А. Новотний ва В. Ульбрихтнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

(Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Варшавадаги тантанали йиғилишда сўзлаган нутқини газетанинг 1 ва 2-бет.ларида ўқийсиз).

Тантанали қисмдан кейин «Мазовше» деган машҳур ашула ва раҳс ансамбли мажлис қатнашчиларига катта концерт қўйиб берди.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Совет Иттифоқи билан Болгария ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кунинг 30 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси ўртоқ Тодор Живковга табрикнома юборди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети номидан, бутун совет халқи номидан самимий табриклар ва энг яхши тилаклар йўллайди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев шуни таъкидлаб айтадики, мақсад ва вазифаларимизнинг умумийлиги, марксча-ленинча таълимотнинг тантанасига чуқур ишонч, бир-бирига қизғин муҳаббат ва коммунизмнинг порлоқ идеаллари учун курашда бир-бирларига ёрдам беришга интилиш халқларимизни маҳкам бирлаштиради ва жипслаштиради.

Тошкентликлар Чимкент область далаларида

Тошкент области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг вакилларидан иборат ўзаро текшириш бригадаси Қозоғистон ССРнинг Чимкент областига келди. Бригадага область партия комитетининг секретари ўртоқ А. Пўлатов раҳбарлик қилмоқда.

Ўзаро текшириш бригадасининг составида Янгийўлдаги «Ленинизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ортиқов, Оққўрғондаги Энгельс номли колхознинг раиси А. Сафаров, Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг доценти А. Мирдадаев, Калинин бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз комплекс чорвачилик бригадаси бошлиғи М. Юнусова, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Эгамбердиев ва бошқа ўртоқлар бор.

Тошкентликлар Чимкент областининг далаларида ўзаро социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини текширадилар.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Азиз ўртоғимиз Владислав Гомулка!

Азиз ўртоғимиз Александр Завадский!

Азиз ўртоғимиз Юзеф Циранкевич!

Азиз поляк дўстларимиз, қардош Польшанинг ҳамма гражданлари!

Поляк халқи бугун Польшада символик равишда Уйғониш кўни деб аталган кунни тантанали вазиятда нишонламоқда. Шуни айтишни истаймизки, бу байрам сизнинггина эмас, балки бизнинг ҳам байрамимиздир!

Шу катта байрам — халқ Польшасининг 20 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Олий Совет Президиуми ва Совет ҳукумати номидан, барча совет кишилари номидан сизларни чин кўнгилдан табриклашга ва энг яхши истакларни изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Биз сизлар орқали барча поляк коммунистларини, шунингдек Бирлашган деҳқонлар партиясини, Демократик партияни, Польша касаба союзларини, ёшлар ташкилотларини ва бошқа жамоат ташкилотларини, бутун қардош поляк халқини табриклаймиз.

Бизнинг дўстлигимиз Россия ва Польша ишчилар синфининг биргаликда олиб борган революцион курашида мустаҳкамланди. Биз шу билан фахрланамизки, поляк революционерларининг катта бир отряди улуғ Ленин билан биргаликда, Россия революционерлари билан биргаликда кураш олиб борди. Поляк халқининг содиқ фарзанди Феликс Дзержинский Владимир Ильич Ленининнинг энг яқин сафдошларидан бири бўлиб, Улуғ Октябрь революциясининг ғалабаси учун курашда, жаҳонда биринчи социалистик давлат — Советлар мамлакатини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ак тив қатнашди.

Биз сизларнинг ғалабаларингизда, муваффақиятларингизда социализм улуғ ғояларининг кучи ва ҳаётийлигини яққол таслиқловчи яна бир далилни кўриб турибмиз. Бу ғоялар ҳозирги кунда халқларимизнинг, шунингдек жаҳондаги бошқа кўп мамлакатлар халқларининг раҳбар ғоялари бўлиб қолди.

(Охири иккинчи бетда)

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда)

Поляк халқи Польша Бирлашган ишчи партиясининг раҳбарлигида ўз ғўзал ватанининг чинакам тараққиётидан далолат берган йигирма йил мобайнида эришган буюк муваффақиятларининг аҳамиятига Ўртоқ Владислав Гомулка бугун қилган докладида ҳар томонлама ва чуқур баҳо берди.

Сизнинг мамлакатингиз иқтисодий жиҳатдан тез тараққий этишнинг яққол мисолини кўрсатиб турибди. Бу ерда ўтмишдаги иқтисодий қолоқликка уруш йилларидаги жуда катта талафотлар келиб қўшилганлигини эсга олиб ўтиш керак. Польшада миллий бойликнинг қарийб 40 проценти ер билан яксон қилинган ва олти миллиондан кўпроқ киши қалок бўлган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида поляк халқининг қисмати жуда оғир бўлган эди. Поляк халқи социализм қуриш йўлидаги биринчи қадамларни шиддатли синфий кураш вазиятида қўйишга мажбур бўлди. Бу синфий кураш яна шу билан мураккаблашиб кетган эдики, Польша халқаро империализмнинг айниқса зўр бериб авж олдирган найранглари, унинг кўпорувчилик ишлари ва пропагандасининг объекти бўлиб қолган эди.

Поляк меҳнаткашлари барча қийинчиликларга қарамай, инсоният тарихида мисли нўрилмаган урушнинг оғир жароҳатларини даволабгина қолмай, балки ўзининг социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётида жуда катта муваффақиятларга ҳам эриша олган экан, бу қақиқатан ҳам мўъжизадир! Социализм миллионларча меҳнаткашлар оммасини меҳнат зафарларига отлантирди, уларни янги ҳаёт барпо қилишдан иборат ягона мақсад учун курашда жипслаштирди.

Халқ Польшаси меҳнаткашларининг ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда кўлга киритган катта муваффақиятлари совет кишиларини қувонтирмоқда. Замонавий қудратли индустриянинг вужудга келтирилганлиги — Польша ишчилар синфининг, бутун поляк халқининг жуда катта ғалабасидир. Польшада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш урушдан аввалги даражага нисбатан тўққиз баравар ортди. Халқ Польшаси экономиканинг бошқа соҳаларида, фан, маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтириш соҳасида ҳам жуда катта муваффақиятларга эришди.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг яқинда бўлиб ўтган IV съезди мамлакатингизда социализм қурилишининг якунларини тўплади ва яқин беш йил ичида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кенг программасини белгилаб берди. Совет кишилари ўз поляк қардошларининг социализм қурилишида янги буюк муваффақиятларга эришувларини тилайдилар.

Шундай буюк муваффақиятларга эришмоқ учун Польша ишчилар синфи, унинг марксчи-ленинчи авангарди зўр сабот-матонат, донолик ва мардлик билан иш кўриши керак эди. Ана шу ажойиб фазилатларнинг ҳаммаси мамлакатингиз коммунистларида тўла намоён бўлди.

Шу муносабат билан мен Польша Бирлашган ишчи партияси раҳбарларининг, партия Марказий Комитетининг ва хусусан Ўртоқ Владислав Гомулканинг янги Польшани барпо қилишдаги буюк ролини таъкидлаб ўтишни истайман. Тарихнинг чинакам ижодчиси халқ оммасидир, меҳнаткашларнинг энг актив ва энг онгли авангардини ўз сафларида бирлаштирувчи марксчи-ленинчи партиялар буюк ташкилотчилик ва етакчилик ролини ўйнайдилар. Биз бунда халқ оммаси раҳбарларининг, йўлбошчиларининг ролини сира ҳам камситмаймиз. Сизлар билан бирга биз ҳам шу нарса билан фахрланамизки, поляк ишчилар синфи ва унинг партияси ўз сафларида Ўртоқ Веслав каби атоқли партия ва давлат арбобини етиштирдилар. Биз унинг сиймосида Ленин типидаги раҳбарга хос энг яхши фазилатлар — ишчилар синфининг ишига, коммунизм ғояларига фидокорона садоқат тимсолини кўрамиз. Ҳар қандай синовлар ҳам бу фидокорона садоқатга путур етказа олмади.

Ўртоқ Гомулканинг ўз халқига муҳаббатни юксак пролетар интернационализми билан қўшиб олиб бориш каби ажойиб фазилатини, унинг совет—поляк дўстлигини мустаҳкамлашга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш йўлидаги курашга шахсан катта ҳисса қўшмоғи учун имконият яратиб берган фазилатини таъкидлаб ўтишни айниқса истар эдим.

Азиз дўстлар! Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳозир жуда яхши ривожланиб бормоқда. Бунинг сабаби ҳам маълум. Бизнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса социализм ва коммунизм қуришдир. Биз халқларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаб, ана шу улуғ мақсад сари бирга бормоқдамиз.

Узоқ ўтмишда ҳам, яқин ўтмишда ҳам халқларимиз ўртасидаги революцион алоқаларни мустаҳкамлаш қўпгина яхши ва ажойиб ишлар бўлган эди. Рост, ишончсизлик ва адоват учун баҳона вужудга келтирган, миллатчилик ва шовинизмни авж олдириш учун бамисоли тупроқни ўғитлаган ҳоллар ҳам бўлган эди. Биз партияларимиз, давлатларимиз, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни кўпинча уларга доғ туширадиган иллатлардан тозалашимиз, барча соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишимиз, социалистик интернационализмнинг юксак принципларини кундалик амалий ишларимизда рўёбга чиқаришимиз керак эди. Польша Бирлашган ишчи партияси, унинг Марказий Комитети ва шахсан Ўртоқ Гомулка ана шу асосий вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Биз совет—поляк муносабатларидан мамнун бўлишимиз учун ҳамма асосларга эгамиз. Совет—поляк дўстлиги ҳеч қачон ҳозиргидек ғоят самимий ва дилона бўлмаган эди.

Сизнинг муваффақият ва ютуқларингиз, социалистик қурилиш соҳасида тўплаган тажрибаларингиз муҳим халқаро аҳамиятга эгадир. Сизнинг партиянгиз марксизм-ленинизмни ижодий тарзда қўлланиб, социализм қуришдан иборат умумий тажрибамиз хазинасига кўп янгилик киритди.

Мен эришган ютуқларингизнинг халқаро аҳамияти тўғрисида гапирганимда, бошқа халқ демократияси мамлакатлари ҳам халқ ҳокимиятининг 20 йиллигини тез орада нишонлаяжакларини эслатиб ўтишни истар эдим. Бу йиллик ҳар бир мамлакат халқларининг ҳаётида катта воқеа бўлибгина қолмай, балки барча социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг, бутун жаҳон ишчилар синфининг ҳам ажойиб халқаро байрами бўлади.

Биз ана шу 20 йилликни нишонлаганимизда, социализм ва коммунизм учун курашда халқларимиз олдида, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари олдида ҳисоб бера оладиган ишларимиз бор.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, бизнинг халқимиз коммунизм қурилишида катта муваффақиятларга эришди. Бизнинг мамлакатимизда Совет ҳокимияти йилларида саноат ишлаб чиқариши 50 баравардан зиёд ортди. Эндиликда Совет Иттифоқининг ҳар ҳафтада ишлаб чиқараётган саноат маҳсулоти чор Россиясида бутун 1913 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотига баравардир. Совет Иттифоқида фақат 1954 йилдан тортиб 1963 йилгача 8570 йирик саноат корхонаси қурилиб, ишга туширилди. Бунинг маъноси шуки, бизда бир кечаю кундузда иккита янги йирик корхона ишга туширилмоқда.

Саноатни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда эришилган муваффақиятлар меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтириш соҳасида муҳим тадбирларни амалга ошириш имконини берди. СССР Олий Совети яқинда колхозчиларга бериладиган пенсия ва нафақалар тўғрисида ҳамда маориф, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалик, савдо, умумий овқатланиш ходимлари ҳамда аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида қонунлар қабул қилди.

Сизнинг қўшниларингиз — Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия катта муваффақиятларга эришдилар. Бу мамлакатларнинг раҳбарлари, азиз дўстларимиз Вальтер Ульбрихт ва Антонин Новотний бугун шу ерда сизларнинг байрамингизда қатнашмоқдалар. Бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар.

Табиийки, ана шу муваффақият ва ғалабаларни қўлга киритишда маълум қийинчиликлар ва чиқимлар бўлди, албатта. Социалистик система қарор топганидан буён, жумладан, миллатчилик вужудга келтирган қийинчиликларга кўп марта дуч келишга тўғри келди. Ҳозирги вақтда Хитой Компартияси раҳбарларининг тутган йўли сабабли бундай қийинчиликлар айниқса жиддий тус олиб кетди, деса бўлади.

Биз бу қийинчиликлар бартараф қилинишига ишонамиз. Ҳозирги вақтда ҳар бир коммунистик партия интернационализм принципларига садоқат имтиҳонидан ўтмоқда, дейиш мумкин. Сен қайси йўлдан — интернационал жипслашиш йўлиданми ёки миллатчилик руҳидаги маҳдудлик ва худбинлик йўлиданми бораётганлигингни амалда кўрсатиб беришинг керак.

Владимир Ильич Ленин шовинизм, миллатчиликнинг ҳар қандай кўриниши пролетар интернационализмига тамомила ётдир, деб доим таъкидлар эди. Владимир Ильич Ленин коммунизмга ёт бўлган миллатчилик идеологиясининг ҳар қандай формадаги кўринишларига қарши муросасиз курашди. Бизнинг партиямиз ҳам Ленининг ана шу васиятларини муқаддас билиб бажариб келмоқда, социализм барча кучларининг бирлигини мустаҳкамлаш учун курашиб келмоқда.

Партияларимизнинг бирлиги, мамлакатларимизнинг бирлиги нечоғли маҳкам бўлса, биз ҳар бир социалистик мамлакатнинг хавфсизлиги, умуман бутун социалистик лагернинг хавфсизлиги шу қадар мустаҳкам бўлишини таъминлаймиз.

Бизнинг халқларимиз — Польша, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг халқлари вайронгарчилик келтирувчи урушларни бир неча бор бошдан кечирган эдилар, бу урушлар миллионларча кишиларнинг ёстиғини қуритган эди. Ана шу урушларни бошлаб берган империалистик кучлар эндиликда яна қасос олишга интилмоқдалар, янги уруш билан таҳдид қилмоқдалар. Улар уруш очамиз деб дангал гапирмаяптилар, лекин қасос олиш тўғрисида очиқ гапирмоқдалар. Аммо, реваншчилар илгари сурётган мақсадларга урушсиз эришиб бўлмайди-ку, ахир.

Реваншчиларнинг таҳдидлари, аввало, бизнинг халқларимизга қарши — Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси халқларига қарши, Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг халқларига қарши қаратилган.

Аммо реваншчилар ва агрессорлар шуни эсда тутишлари керакки, иккинчи жаҳон уруши уни бошлаб берганларнинг тамомила тор-мор қилиниши билан тугаган бўлса, янги жаҳон уруши, башарти империалистлар шундай авантюра йўлига ўтадиган бўлсалар, уларнинг ер билан яксон бўлишига олиб келади; бутун капитализм системасини муқаррар мағлубиятга учратади.

Ўз-ўзидан маълумки, агрессорларга лаънат ўқиш билан уларни тўхтатиб бўлмайди. Шу сабабли, биз меҳнат қилмоғимиз, экономикамизнинг қудратини оширишимиз ва шу асосда қуролли кучларни мустаҳкамлашимиз, бу кучларни замонавий қурол-яроғлар билан таъминлашимиз лозим. Биз социалистик мамлакатлар халқларининг бирлигини, қардош коммунистик ва ишчи партиялар бирлигини марксча-ленинча асосда мустаҳкамлашимиз керак.

Бизнинг синфий душманларимиз, империалистик, реваншчи кучлар социалистик мамлакатларнинг бирлигини заифлаштириш учун, кучларимизни бир-биридан ажратиб юбориш учун ҳар қандай восита ва йўллардан фойдаланишга интилаётганликлари тасодифий бир ҳол эмас.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги, Марказий ва Шарқий Европадаги бир қанча мамлакатларда халқ ҳокимияти ўрнатилганидан кейинги дастлабки йилларда империалистлар «зўравонлик» йўли билан ана шу мамлакатлардаги социалистик тузумни тугатиш вазифасини очиқдан-очиқ илгари сурганликларини эсга олиб ўтайлик. Улар Даллес, Аденауэр ва бошқаларнинг тили билан социализмни улоқтириб ташлашга даъват этдилар. Лекин биргаликда қилган ҳаракатларимиз натижасида, Варшава шартномасида қатнашувчи барча социалистик мамлакатларнинг зўр бериб қилган ҳаракати натижасида империалистларнинг ана шу кирдикорлари барбод этилди.

Мамлакатларимизнинг халқлари вайрон бўлган шаҳарлари, саноат корхоналари ва қишлоқларни тикладилар, экономикани ривожлантирдилар ва социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш учун, тинч меҳнатни қўриқлаш учун қудратли қуролли кучларни вужудга келтирдилар.

Социализм йўлидан олға ҳаракат қила боришимиз билан — экономикани ривожлантириш ва иҳтимоий қурилишда кенг кўламдаги ўзгаришларни амалга ошириш асосидагина социализм йўлидан муваффақиятли суратда олға бориш мумкин — душманлар «зўравонлик» сиёсатини ўтказиб, ўз мақсадларига эриша олмасликларини пайқаб олдилар. Аммо, империалистлар нечоғли кўп таҳдид қилсалар, социализм мамлакатлари шу қадар маҳкам жипслашиб олажакларини империалистларнинг ҳаммаси ҳам тушуниб олган, деб бўлмайди. Уларнинг энг ашаддийлари, ҳатто АҚШ да ҳам қутурган деган ном олганлари ҳозир яна «зўравонлик» сиёсатини ўтказишга ўринмоқдалар.

Шуни назарда тутиш керакки, икки системанинг тинч мусобақасида социализмни енгишдан монополистик буржуазиянинг умиди узилиб қолса, унинг энг реакцион доиралари қуюшқондан чиқиб, ҳатто янги уруш бошлаб юборишлари мумкин. Биз фактлар билан ҳисоблашмасдан тура олмаймиз. Яқинда Қўшма Штатларда республикачилар партиясининг съезди бўлиб, маъқулловчи хуштаклар ва депснишлар садоси остида, фашистларнинг Нюрнбергдаги йиғинларини эслатувчи бир вазиятда шундай сайлов программаси қабул қилиндики, бу программа айни-ана шу энг агрессив доираларнинг йўриқларини акс эттирмоқда, съезд президентликка кўрсатган номзод эса Оқ уйга ашаддий антикоммунизм ва уруш таҳдидларидан иборат шиорлар остида кириб бормоқчи эканини ошкора кўрсатди.

Албатта, президент сайлаш — Қўшма Штатларнинг ички иши бўлиб, биз ички партия олиб борётган Америкадаги сайлов курашига аралашмоқчи эмасмиз, шу билан бирга, бу партияларнинг ҳар бири монополистик буржуазия манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Президент сайловлари вақтида айтиладиган ҳамма гапларга ҳам жиддий эътибор бериш керак эмас, деган сўзларни америкаликларнинг ўзлари баъзан айтмоқдалар. Лекин гап АҚШ президентини сайлаш ҳамда Американинг ташқи сиёсатдаги йўлини бир неча йил олдиндан белгилаб олиш устида бораётган экан, бу нарса бизни қизиқтирмаслиги мумкин эмас. Модомики, сайлов кампанияси жараёнида агрессив, ўришқоқлик руҳидаги шиорлар қурол қилиб олинаётган экан, социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар мамлакатлар бундан ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олмасдан тура олмайдилар.

Америка халқи республикачилар партияси Сан-Францискодаги съездда қабул қилган программани қўллаб-қувватлашга ва шу орқали бутун дунё учун, шу жумладан АҚШ халқи учун ҳам хатарли бўлган йўлни қувватлашга тайёрми, деган саволга Америка сайловчилари жавоб бермоқлари керак. Бу саволга қандай жавоб берилиши бизга боғлиқ эмас. Лекин биз ҳамма эҳтимолларни ҳисобга олишимиз лозим.

Совет Иттифоқи бунёдга келганига 47 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида биз ҳар хил қутурганлар ва чала қутурганларни кўрдик. Социалистик давлатимизнинг бунёдга келиши, унинг ҳаёт кечириши ва ривожланиши қутурганларга ҳам, чала қутурганларга ҳам боғлиқ эмас. Социализмнинг, коммунизмнинг ривожланиши — муқаррар тарихий процессдир. Бинобарин, буржуазия фалсафасининг, буржуазия ахлоқининг намояндалари бизнинг нуқтаи назаримиздан бу — ғайри-қонуний процесс деб, нақадар наъра тортмасинлар, социализм билан коммунизм муваффақиятли суратда ривожланиб, янги-янги ғалабаларни қўлга кирита беради.

Биз дўқ-пўписалардан ҳеч қачон қўрққанимиз йўқ ва қўрқмаймиз. Аммо, биз бундай дўқ-пўписаларга бефарқ қараб тура олмаймиз ҳам. Шу сабабдан, биз ўз қуролимизни артиб, тозалаб қўйишимиз, ҳар қандай ҳолатда шошиб қолмаслик учун ҳамма вақт шай бўлиб туришимиз керак. Агар империализмнинг ашаддий кучлари бизга қарши уруш бошлайдиган бўлсалар, биз уларнинг бизни ғафлатда қолдиришларига йўл қўя олмаймиз. Биз тегишли зарба бермоқ учун империалистларнинг ҳар қандай кирдикорларига шай бўлиб туришимиз лозим.

Империалистлар дўқ-пўписалар ишлатиш билан бир қаторда миллатчиликни жонлантириш, иқтисодий алоқалардан ўз сиёсий мақсадларида фойдаланиш сингари воситалар ёрдами билан социалистик мамлакатларни заифлаштиришга тобора кўп куч-ғайрат сарф қилмоқдалар. Улар шундай сиёсат ёрдами билан бир социалистик мамлакатларни иккинчи социалистик мамлакатларга қарама-қарши қилиб қўйишга ўринмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси мамлакатларимизни бир-биридан айириб, уларни яккама-якка синдириш учун бирлигимизни бўшаштиришга мўлжалланган. Биз буни кўрмоғимиз ва зарур хулосалар чиқариб олмоғимиз керак.

Биз каттагина революцион йўлни босиб ўтдик ва душманларнинг маккорона қилиқларини биламиз. Биз ички ва ташқи контрреволюциянинг хуружларини неча марталаб даф этдик. Тарих тажрибаси социализм кучларининг, барча антиимпериалистик кучларнинг бирлигини мустаҳкамлаш зарур, деб таълим бермоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, социализм мамлакатларидаги ишчилар синфи, бутун меҳнаткаш халқ, интеллигенция душманларнинг алдашига йўл қўймайди.

Ҳар қайси алоҳида мамлакатда, шунингдек бутун социалистик системада социализмнинг кучи ва қудрати халқларимизнинг, революцион партияларимизнинг марксизм-ленинизм принциплари асосидаги дўстлиги ва жипслигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кимки ҳозир бутун коммунистик ва ишчилар ҳаракати билан, халқларнинг миллий озодлик кураши билан марксизм-ленинизм байроғи остида баб-баравар қадам ташлаб бормоётган экан, айни ўша одам социализм душманлари, коммунизм душманларининг дилидаги ишни қилмоқда.

Мен тинчлик учун курашнинг буюк аҳамияти тўғрисида ҳам гапирмоқчи эдим.

Тинчликни таъминлаш, жаҳон термоядро уруши хавфини тўғдирувчи омилларни халқаро муносабатлардан чиқариб ташлаш шундай бир вазифадирки, бу вазифа ҳамма социалистик мамлакатларнинг жипслиги асосида уларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш йўли билангина ҳал қилиниши мумкин. Мамлакатларимизнинг бирлиги қанчалик мустаҳкам бўлса, биз ҳар қайси социалистик мамлакатнинг, умуман бутун социалистик лагернинг хавфсизлигини шунча ишончлироқ суратда таъмин этган бўламиз.

Биз ўз ҳамдўстлигимиз жипслигини мустаҳкамлаб, тинчлик учун биргаликда куч-ғайрат сарфлаб курашмоқдамиз. Шу муносабат билан Европада ядро кучларини бир даражада сақлаб қолиш тўғрисида Польша киритган ва «Гомулка плани» деб ном олган фойдали ва амалий таклифни алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Биз бу таклифни батамом қўллаб-қувватлаймиз ва уни халқаро миқёсда қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз.

Социалистик мамлакатлар ва, даставвал, Совет Иттифоқи ғоят катта ҳарбий потенциалга эга бўлган ва халқаро кескинликни бир оз юмшатишга муваффақ бўлинган ҳозирги кунда империализмнинг кирдикорларига нисбатан ҳушёрликни камайтирсак, муштарак манфаатларимиз ҳақида камроқ қайғурсак, бўла беради, деган фикрни калтабин одамларгина ўйлашлари мумкин. Империализм ўзининг агрессив муддаоларидан асло воз кечгани йўқ. У бизга ўзининг иродасини зўрлаб ўтказиш учун ҳар дамда имконият қидирмоқда ва қидира беради. Биз қанчалик жипс бўлсак, империализмга қарши курашимиз шунча қатъий ва муваффақиятли бўлади, муваффақиятларимиз шунча кўп бўлади.

Азиз ўртоқлар!

Совет ва поляк халқларининг дўстлиги мустаҳкам ва бузилмасдир. Совет халқи ўзининг бутун тажрибасини поляк халқи билан бундан буён ҳам қардошларча баҳам кўришга тайёрдир, мамлакатларимизнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларини кўзлаб, ҳамма шаклдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлигимизни ривожлантиришга тайёрдир.

Бизнинг дўстлигимиз — куч-қувватимизнинг ҳамда социализм ва коммунизм қурилишида келажакдаги янги ютуқларимизнинг манбаидир!

Совет ва поляк халқларининг абадий ва бузилмас дўстлиги яшай берсин ва яшнай берсин!

Яшасин Польша Бирлашган ишчи партияси, унинг Ўртоқ Владислав Гомулка бошлиқ Марказий Комитети!

Яшасин янги, бахтли келажак бунёдкори — шонли поляк халқи!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

Яшасин коммунизм!

* * *

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикномасини ўқиб беради.

ЁШ ВРАЧЛАРНИНГ ТАНТАНАЛИ ВАЪДАСИ

Серқуёш республикамиз юбилейи йилида Тошкент Давлат медицина институти ёш врачларнинг навбатдаги қирқ олтинчи отрядини учирма қилди. Ҳа, бу йил олий ўқув юрти 662 йигит-қизга врачлик гувоҳномасини берди.

Республикамизнинг кўпсонли врачлар армияси даволаш, педиатрия, санитария-гигиена ва стоматология билимлари бўйича малакали ёш мутахассислар билан яна бойиди. Ҳа демай ёш врачлар қайноқ меҳнат қучоғига йўл оладилар.

..Битирувчиларнинг хайрлашув кечаси бу сафар М. Горький номли рус драма театри биносида ўтказилди. Оқ йўл тилаш учун бу ерга студентларнинг севимли устозлари, профессорлар, ўқитувчилар, шунингдек пойтахт жамоатчилиги тўпланди. Тантанали кеча ёшлик байрамига айланиб кетди.

Институт ректорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари С. Долимов ёш врачларнинг «Тантанали ваъда»си текстини ўқиб беради.

Ёш врачлар «Тантанали ваъда»сининг ҳар бир пункти, ҳар бир жумласи битирувчи ёш врачларга ёд бўлиб кетган.

Ахир, бу «Тантанали ваъда»ни қабул қилишнинг ташаббускорлари ана шу ёшлар эмасми! Ҳа, улар ана шу «Тантанали ваъда» билан ўз касбларига бўлган ҳурмат ва муҳаббатини, партия ва халқимизга чексиз садоқатини яна бир бор ифода этдилар. Бу, қалб даъвати билан айтилган ваъда эди.

Тўғри, бундай тантанали ваъдалар авваллари ҳам қабул қилинар эди. Институтнинг Г. Н. Терехов, Б. А. Стекольников, О. Н. Павлова ва бошқа кўплаб атоқли профессорлари ҳам олий маълумот эгалари бўлиш арафасида ўз устозларига ана шундай мурожаат қилишганди. Ҳозир кўпчилик кекса врачлар қўлида «факультетлик ваъда гувоҳномаси сақланиб қолган.

Ёш врачларнинг янги «Тантанали ваъда»си ҳаёт тақозоси билан қабул қилинди.

Дарҳақиқат, врачлик гувоҳномасини олиб, қайноқ меҳнат қучоғида жонажон институти ишончини тўла оқлаётган мутахассислар кўп. Улар оилада ҳам, жамоат орасида ҳам, ахлоқда ҳам бошқаларга намуна бўлишяпти. Халқимиз бундай врачлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Бироқ, шарафли касбининг қадрига етмаётган, халқ ишончини оқлай олмаётган врачлар ҳам учраб туради. Бундай дипломли ёш врачлар узоқ районларга бориб ишлашдан қўпинча бош тортадилар, ҳаёт сўқмоқларини босиб ўтишдан қўрқадилар. Бу билан ўзларининг ожиз ва маънавий қашшоқ эканликларини кўрсатадилар.

Айрим врачлар беморлар билан қўпол муомалада бўлишади. Бу ҳам врачлик шаънига доғ туширишдан бўлак нарса эмас.

«Совет врачи ишда ҳам, юриш-туришда ҳам, муомалада ҳам, ахлоқда ҳам намуна бўлиши керак». Тошкент Давлат медицина институтининг битирувчи студентлар ана шундай шиорни ўртага ташлашди. Ўз касбига чексиз меҳр қўйиб ишлаш, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига тўла амал қилиш ҳар бир ёш врачнинг муқаддас бурчи эканлиги даъват этилди. Буларнинг ҳаммаси институт студентларининг «Тантанали ваъда»си текстида ўз ифодасини топди.

Бу текст лойиҳаси дастлаб студентлар муҳокамасига қўйилди. Даволаш-профилактика ва санитария-гигиена факультетларининг юқори курс студентлари айниқса яхши таклифлар билан чиқдилар.

«Ёш врачларнинг «Тантанали ваъдаси»ни қабул қилиш қандай яхши,— деб ёзди даволаш-профилактика факультетининг 4-курс студентлари номидан М. Зиёева.— Биз ана шу ваъдага ҳамиша содиқ қолишга сўз берамиз. Янги тантанали ваъда ёш врачларга билдирилган катта ишонч белгиси ҳамдир. Айни вақтда бу ваъдани қабул қилиш вақтида институтнинг қўйи синф студентлари ҳам қатнашсалар чакки бўлмасди. Шундай қилинса улар ўқиш давомида яхши сифатларни ўзларида сингдира борган бўлур эдилар. Ваъдани қабул қилиш тантанасида эсдалик альбоми ва значоклар ҳам тақдим этилиши керак».

Текст лойиҳаси деканат йиғилишларида ва институт партия комитетининг кенгайтирилган мажлисида ҳам муҳокама этилди. Институт студентлари ва профессор-ўқитувчилар коллективи муҳокамасидан сўнг ёш врачларнинг «Тантанали ваъда»си қабул қилинди.

«Тантанали ваъда» асосан 10 пунктдан иборат. Бу пунктлар ёш врачларни ростгўйликка, ўз вазифасини садоқат билан бажаришга, ижодий ҳамкорликни кучайтиришга ва ўз устида тинмай ишлашга даъват этади.

Тошкент Давлат медицина институти ректорати, партия, комсомол ва касаба союз комитетлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган бу «Тантанали ваъда» чиндан ҳам ибратли ишдир. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар партия комитети институт коллективининг бу ташаббусини маъқуллади. Шаҳар партия комитети бюроси мазкур тадбир катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади ҳамда «Тантанали ваъда» ёш врачларда ўз касбларига муҳаббат уйғотади ва масъулият ҳиссини оширади, халқ иши учун жон куйдириб ишлашга даъват этади, деб кўрсатди.

Яхши ташаббус қанот ёзади дейишади. Ёш врачларнинг бу ибратли иши ҳам пойтахт олий ўқув юртлари студентлари томонидан қўллаб-қувватланиши турган гап.

А. АЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

Тошкент Давлат медицина институти коллективининг олий ўқув юртини битирувчилар номидан ёш врачлар «Тантанали ваъда»сини қабул қилиш ҳақидаги ғашаббуси маъқуллансин.

Олий ўқув юртлари ректоратлари ва партия ташкилотларига «Тантанали ваъда» текстини ишлаб чиқиш топширилсин ҳамда бу ибратли тадбир одат тусига киритилсин.

Район партия комитетлари, шаҳар партия комитети идеология бўлими олий ўқув юртлари коллективларининг бу яхши тадбирни тайёрлашлари ва уни ўтказишларига ёрдам берадилар.

Пойтахтнинг Октябрь районидаги «Лениничи» маҳалласи аҳолиси 7-бирлашган шаҳар касалхонасининг врачи Матлуба Азимжонованн беҳад ҳурмат қилади. Бу жонкуяр врач маҳалла аҳолиси ўртасида медицина темаларида лекция ва суҳбатлар ўтказиб турадн.

Суратда: врач М. Азимжонова кичкинтойнинг соғлиғини кўздан кечирмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

М Е Ъ М О Р

Шу кунларда шаҳар ва қишлоқларимизда янгидан-янги шинам, қулай бинолар кўплаб, қад кўтармоқда. Ҳашаматли уй-жойлар, маданият саройлари, клублар, саноат корхоналарининг корпуслари, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа бинолар сони ортиб бормоқда. Уй-жой ва жамоат бинолари қуришда архитекторларнинг хизмати наттадир. Улар бу биноларнинг ҳам кўрнам, ҳам қулай бўлишига интиладилар.

Республикамизнинг таниқли архитекторлари Абдулла Бобохонов, Митхат Булатов, А. Петросов, А. Зотов, ака-ука Александр ва Евгений Жмуйдалар қаторида Виктор Михайлович Дмитриевнинг номи ҳам туради. У уй-жой ва жамоат бинолари қурилишига муносиб ҳисса қўшаётган архитекторлардан бири ҳисобланади.

Архитекторнинг дастлабки ижодий ишларидан бири Тошкентдаги Навоий номли республика халқ кутубхонаси биносининг лойиҳасидир.

Лойиҳа автори Дмитриев бинонинг олд томонига ўзбек ва рус классик шоир ҳамда ёзувчиларининг расмларини усталик билан жойлаштирган. Кўча тарафдан бинога назар ташлаган ҳар бир киши бу бино кутубхона, қироатхона эканлигини дарҳол билиб олади.

Бино ичидаги арнаментларни чизишда ҳам миллий нақшлик усулидан усталик билан фойдаланилган.

Урда Анҳор:и бўйида қурилган нўрнам баҳаво «Анҳор» чойхонаресторани биноси лойиҳасининг автори ҳам Виктор Михайловичдир. Унинг лойиҳаси бўйича юздан ортиқ турар-жой ва маданий-маиший бинолар Бекобод шаҳрида ҳам қурилган.

Архитектор ҳар бир бинонинг лойиҳасини чизар экан, ўзбек миллий уйларидаги шарт-шароитлардан фойдаланиб, кўп қаватли биноларда ҳам миллий уйларимиздагиден айвон ва шийпон бўлишига ҳаракат қилади.

Дмитриев лойиҳаси бўйича Чилонзор массивида 78-квартирали турар-жой биноси қурилди. Автор бу бино лойиҳасида қадимий ўзбек меъморлик санъатидан усталик билан ижодий фойдаланган. Бинодаги ҳар бир квартиранинг айвони, яъни ёзги хоналари бор.

Тажрибали архитектор В. М. Дмитриев ҳозир «Ўзбекистондаги уй-жой биноларида ёзги хоналар» деган тема устида илмий иш олиб бормоқда. Унинг «Архитектура тарихи ва назариясига доир баъзи масалалар», «Ҳозирги замон лойиҳалаш тажрибасида «шийпон» усулидан фойдаланиш имкониятлари», «XVI асрнинг иккиничи ярмидаги Бухоро архитектурасининг композицион қурилиши» каби ўнга яқин илмий ишлари нашр этилган.

Архитектор Дмитриевга эллик ёшга тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвони берилган.

Талантли архитектор, доцент Виктор Михайлович Дмитриев ҳозир Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти архитектура кафедрасининг мудири. У олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Бироқ, архитектор ўз вазифасини шу билан чеклаб қўймаётир. У коммунизм қуриш программасида кўрсатилганидек, биринчи ўн йилликда совет кишилари янги қулай квартиралар билан батамом таъминланишларини янада қисқароқ вақт ичида ҳал қилинишига улуш қўшиш ниятида турли лойиҳалар устида ишламоқда.

М. СУЛТОНОВ.

«Госсредазстрой» техника бошқармасининг старший инженери.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1964 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари партия XXII съездининг ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, ўтган ярим йилликда мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Қуйида шу йил биринчи ярмининг энг муҳим якунлари ўтган йилнинг биринчи ярми маълумотларига таққос қилиб келтирилади.

I.
Саноат

Саноат маҳсулоти биринчи ярим йилликда қарийб **етти ярим процент ўсди; ярим йиллик план ошириб бажарилди.** Шу билан бирга, химия саноати маҳсулоти 14 процент, қора ва рангли металлургия маҳсулоти 8 процент, электр энергияси ишлаб чиқариш 11 процент, ёқилғи саноати маҳсулоти 8 процент, машинасозлик маҳсулоти қарийб 11 процент, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш 10 процент, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулоти 2 процент кўпайди.

Ўтган йилги ҳосилсизлик озиқ-овқат саноатининг ва бир қанча енгил саноат тармоқларининг ривожланишига ёмон таъсир қилди. Ана шу тармоқларни ҳисобга олмаганда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 10 процентдан зиёд ўсди.

Ўтган беш ярим йил ичида етти йилликнинг шу давриг белгиланган топшириқлардан ташқари қарийб 40 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

Топшириқни 99,3 процент бажарган Ғарбий Қозоғистондан ташқари, **барча иттифоқдош республикалар ва халқ хўжалиги кенгашлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмларнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш ярим йиллик планини бажардилар.**

Саноат маҳсулотининг айрим турларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан характерланади.

	1964 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган	1964 йилнинг биринчи ярмидагига 1963 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан процент ҳисобида
Минерал ўғитлар — минг тонна	11.648	124
Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг ва ўсимлик зараркунандаларига қарши курашнинг химиявий воситалари, таъсир кучига қараб ҳисоблаганда — минг тонна	39,6	146.
Синтетик смола ва пластик массалар — минг тонна	346	127
Сунъий ва синтетик тола — минг тонна	173	115
Каустик сода — минг тонна	557	110
Кальцийлаштирилган сода — минг тонна	1342	109
Олтингугурт кислотаси — минг тонна	3756	112
Автомобиль покришкалари — миллион дона	12,0	109
Чўян — миллион тонна	30,6	106
Пўлат — миллион тонна	41,9	106
Прокат — миллион тонна	33,0	106
Пўлат трубалар — миллион метр	640	104
Темир рудаси — миллион тонна	71,2	106
Нефть — миллион тонна	109	109
Газ — миллиард кубометр	53,6	120
Кўмир — миллион тонна	273	104
Шу жумладан, коксланувчи кўмир	65,9	106
Электр энергияси — миллиард киловатт-соат	223	111
Турбиналар — миллион киловатт	5,7	94
Турбиналар учун генераторлар — миллион киловатт	5,8	103
Ўзгарувчи ток электродвигателлари — миллион киловатт	14,4	106
Металл қирқиш станоклари — минг дона	89,4	99
Машинасозлик ва металл ишлаш учун автоматик ва ярим автоматик линиялар — комплект	91	110
Темирчилик-пресс машиналари — минг дона	17,2	100,1
Приборлар — миллион сўм	905	107
Металлургия ускуналари — минг тонна	115	97
Нефть аппаратлари — минг тонна	64,5	107
Химия ускуналари — миллион сўм	161	115
Тўқув станоклари — минг дона	12,7	100,9
Магистраль тепловозлар—секциялар	768	110
Магистраль электровозлар — дона	331	103
Автомобиллар — минг дона	302	103
Тракторлар — минг дона	157	99
Қишлоқ хўжалик машиналари — жами миллион сўм	682	106
Трактор плуглари — минг дона	99,6	122
Трактор сеялкалари — минг дона	103	106
Трактор культиваторлари — минг дона	87,1	118
Трактор косилкалари — минг дона	55,8	112
Комбайнлар — минг дона:		
дон комбайнлари	41,8	100,3
Лавлаги йиғиштириб олувчи комбайнлар	9,1	141
Силосбоп экинлар йиғиштириб олувчи комбайнлар	25,4	92
Пахта териш машиналари — минг дона	3,0	95
Дон тозаловчи машиналар — минг дона	8,4	123
Экскаваторлар — минг дона	9,7	109
Иморатбоп ёғоч ташиш (колхозлар тайёрлагани бу ҳисобга киргмайди) — миллион кубометр	142	104
Қоғоз — миллион тонна	1,5	106
Цемент — миллион тонна	31,3	103
Пиғма темир-бетон конструкциялар — миллион кубометр	23,5	111
Шифер — миллиард шартли плитка	2,0	105
Тунука — миллион квадрат метр	487	110
Дераза ойнаси—миллион квадрат метр	97,8	121
Газлама — миллион квадрат метр:		
ип газлама	2646	105
жун газлама	229	102
зиғир толасидан ишланган газлама	274	106
шойи газлама	408	102
Кийим-кечак — миллиард сўм	4,6	97
Ички трикотаж — миллион дона	309	113
Устки трикотаж — миллион дона	74	113
Чарм пойафзал — миллион жуфт	237	103
Ҳар хил соатлар — миллион дона	14,4	108
Радиоприёмник ва радиолалар — миллион дона	2,4	110
Телевизорлар — минг дона	1389	119
Холодильниклар — минг дона	533	120
Кир ювиш машиналари — минг дона	1355	127
Мотоцикл ва мотороллерлар — минг дона	339	106
Велосипед ва мотовелосипедлар — миллион дона	1,8	108
Мебель — миллион сўм	840	109
Гўшт — миллион тонна*)	1,4	82
Колбаса маҳсулотлари — минг тонна	715	104
Балиқ овлаш ва денгиз ҳайвонларини овлаш — миллион тонна	2,7	109
Мол ёғи — минг тонна*)	325	97
Қайноғи олинмаган сут маҳсулоти, сутга айлантириб ҳисоблаганда (сут, творог, кефир, простокваша, қаймоқ, сметана, сирки ва ҳоказо) — миллион тонна*)	5,0	104

*) Колхозлар ва хонадонлар етиштирганидан ташқари.

Пишлоқ — минг тонна*)	106		110
Ўсимлик мойи — миллион тонна*)	1,1		97
Кондитер маҳсулотлари — миллион тонна	1,2		110
Консервалар — миллиард банка	2,1		110
Совун — минг тонна	991		107

Юқорида кўрсатилган саноат маҳсулоти турларининг кўпчилиги бўйича ярим йиллик план тўла ва ошириб бажарилди. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ўсгани ҳолда, олтингугурт кислотаси, буғ ва газ турбиналари учун генераторлар, автоматик ва ярим автоматик линиялар, нефть аппаратлари, электровозлар, радиоприёмниклар ва радиолалар, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, пишлоқ ишлаб чиқариш плани бирмунча бажарилмай қолди.

Бир қанча саноат корхоналарида янги жорий қилинган ишлаб чиқариш қувватлари сust ўзлаштирилди ва бу корхоналарнинг кўпи ярим йиллик планни бажармади.

Ўтган ярим йилликда илмий тадқиқотлар, мукаммалроқ ва унумлироқ ишлайдиган машина ва ускуналарни, тежамлироқ материаллар ва буюмларни яратиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини юксалтириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш ҳамда илғор технологияни жорий қилиш соҳасида янги ишлар олиб борилди ва илгари бошланган ишлар тугалланди.

Биринчи ярим йилликда маҳсулотнинг **500 га яқин янги турлариии,** шу жумладан саноатнинг турли тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ишлари учун химиявий маҳсулотлар, машиналар, механизм ва инструментлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш учун медицина инструментлари ва аппаратлари, янги кенг истеъмол буюмлари ва маданий-маиший эҳтиёжлар учун мўҳжалланган буюмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу вақт ичида эскириб қолган конструкциядаги ускуналарнинг қарийб 200 хили ишлаб чиқаришдан олиб ташланди.

Техникани такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни яхшилаш гадбирлари рационализатор ва ихтирочиларнинг актив иштироки билан амалга оширилди. Ярим йилликда **бир миллион 400 мингга яқин таклиф** халқ хўжалигига жорий қилинди. **бу эса йилига қарийб 800 миллион сўм маблағ тежаш имконини беради.**

Шу билан бирга, илмий тадқиқот ишлари соҳасида ҳам, фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий қилиш соҳасида ҳам планнинг бир қанча топшириқлари бажарилмади ёки белгиланган муддатларда бажарилиб бўлмади.

Саноатда меҳнат унумдорлиги 4 процент ўсди. Ярим йиллик план умуман мамлакатда ва барча иттифоқдош республикаларда бажарилди. **Саноат маҳсулотининг таннархини камайтириш плани ҳам бажарилди.** Бироқ, маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармаётган корхоналар камайган бўлса ҳам, ҳали кўпгина корхоналар бу топшириқларни бажармаётирлар.

Умуман халқ хўжалигида шу ярим йилликда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8 процент кўпроқ, саноат соҳасида эса 10 процент кўпроқ **фойда** олинди, бироқ бир қанча халқ хўжалиги кенгашлари ва кўпгина корхоналар жамғармалар планини бажармадилар.

II.
Қишлоқ хўжалиги

Кўклам кеч келишига қарамай, қишлоқ хўжалик ходимлари **кўкламги экишни муваффақиятли ўтказдилар.** Донли экинлар, чигит, кунгабоқар, узун толали зиғир, маккажўхори мўлжалланганидан кўпроқ экилди.

Колхоз ва совхозлар экин майдонлари структурасини янада яхшилашни давом эттириб, кўпроқ ҳосил берадиган экинларни жорий қилиб, буғдой **экин майдонларини** ўтган йилдагига нисбатан 3 миллион гектардан зиёд, донли-дуккакли **экинлар майдонини** 271 минг гектар, қанд лавлаги (саноат учун) **экин майдонини** 485 минг гектар, кунгабоқар **экин майдонини** 200 минг гектар **кенгайтирдилар;** бошқа техника экинлари ва сабзавот экинлари майдони ҳам кенгайтирилди. Суғориладиган ерларда 1964 йилда хосил олиш учун 2 миллион гектардан ортиқ майдонга дон экинлари экилди.

Мамлакатнинг жанубий районларида **дон экинлари ўрим-йиғими оммавий тус олди.** РСФСРнинг бир қанча жанубий областларида, Украинада, Ўзбекистонда, Грузияда, Озарбайжонда, Арманистонда ва Туркманистонда дон ва дон-дуккакли экинлар ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ йиғиб олинди. Ем-хашак тайёрлаш ишлари яхшироқ ўтказилмоқда.

Чорва мол ва парранда харид қилиш ярим йиллик плани бажарилди. Сут харид қилиш муттасил кўпайиб борди, бу эса гарчи ярим йиллик план тўлиқ бажарилмаган бўлса ҳам, умуман ярим йил мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўпроқ сут харид қилишга имкон берди.

Шу йилнинг 1 июлига келиб колхоз ва совхозларда **66 миллион бош қорамол, шу жумладан 22,6 миллион бош сигир бор эди.** Сигирлар сони 100 минг бош кўпайгани ҳолда, қорамол сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бирмунча камроқ бўлди. Ўтган йилнинг охирига келиб анча камайган чўчқалар сони тез кўпайиб борди ва 1 июлга келиб 36 миллион бош бўлди. Шу йилнинг биринчи ярмида чўчқалар сони ўтган йилнинг шу давридаги 2 миллион бош ўрнига 12 миллион бош кўпайди.

Ҳар 100 бош урғочи молга ҳисоблаганда бузоқ ва айниқса чўчқа болалари ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан кўпроқ олинди.

Чорва молларни урчитиб кўпайтириш кўрсаткичларининг ҳамда ем-хашак масаласида аҳволнинг яхшиланганлиги чорва мол сонини ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун қулай шарт-шароит вужудга келтирмоқда.

Йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигига анча миқдорда замонавий техника: 106 мингта ёки 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда 195 минг трактор, 37 минг юк автомобили, 36 мингдан ортиқ қаторли жатка, 37 минг дон комбайни, силосбоп экинларни йиғиштирувчи 25 минг комбайн, маккажўхори йиғиштирувчи 8 минг комбайн ва лавлаги йиғиштирувчи 9 минг комбайн, пахта терадиган 3 минг машина, минерал ўғит сочадиган 11 минг машина, 6 мингга яқин гербицид-аммиак машинаси етказиб берилди. Тракторлар билан ишлатиладиган кўп миқдорда осма ва тиркагич машиналар: 57 минг косилка, 29 минг универсал погрузчик, 97 минг плуг, 102 минг сеялка, 82 минг культиватор, 17 минг лущильник ҳамда бошқа хил кўпгина қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари жўнатилди. **Шунингдек, қарийб 10 миллион тонна минерал ўғитлар етказиб берилди,** бу миқдор ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2,4 миллион тонна ортиқдир.

III.
Транспорт

Транспортнинг айрим турлари ярим йиллик планни қуйидагича бажарди:

	1964 йилнинг биринчи ярмида юк оборoти ва юк ташиш	Ярим йиллик планнинг бажарилиш процента	1964 йилнинг биринчи ярми 1963 йилнинг биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида
Юк оборoти — миллиард тонна-километр ҳисобида			
Темир йўл транспорти	896	103	105
Умум фойдаланаётган дарё транспорти	42,8	104	109
Умум фойдаланаётган автомобиль транспорти	17,4	103	111
Нефтепровод транспорти	51	102	120
Юкларни ташиш — миллион тонна			
Темир йўл транспорти	1109	102	106
Умум фойдаланаётган дарё транспорти	92,6	102	104
Умум фойдаланаётган автомобиль транспорти	995	102	108
Нефть қувурлари орқали юборилган нефтнинг миқдори	101	103	114

Денгиз транспорти ички ва ташқи сувларда юк ташиш планини бажарди. Юк оборoти умуман 34 процент ва тэшилган юклар 15 процент кўпайди.

Ҳаво транспортида ташилган юклар 7 процент ва ташилган пассажирлар 11 процент кўп бўлди, лекин пассажирлар ташиш ярим йиллик плани 4 процент кам бажарилди. Қишлоқ хўжалик авиациясининг самолётлари ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 40 процент кўп экин майдонини ишлаб берди, план 110 процент бажарилди.

Темир йўлларда электровоз ва тепловозлар билан ташилган юк обороти 17 процент кўпайиб, темир йўл транспортидаги умумий юк оборотининг 78 процентини ташкил қилди. Ҳаракат составидан фойдаланиш бирмунча яхшиланди. Юк вагони оборoти вақтини қисқартириш соҳасида топшириқ тўла бажарилди. Юк поездларининг қатнов тезлигини, поезднинг вазнини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш ва юк ташиш таннархини камайтириш плани бажарилди. Юк операцияларини бажариш вақтида ва техника станцияларида вагонларнинг бекор туриш ҳолларини қисқартириш соҳасида ҳам топшириқлар адо этилди.

Минерал ўғитлар ташиш плани 112 процент бажарилди. Бироқ, темир йўл станцияларидан ўз вақтида ташиб кетилмаган талай миқдордаги ўғитлар бор.

IV.
Капитал қурилиш

Ўтган ярим йилликда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида капитал қурилиш каттагина миқёсларда амалга оширилди, Бинокорлик коллективларининг куч-ғайратлари қурилиш муддатларини қисқартиришга ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишга қаратилган бўлди.

Давлат капитал маблағлари эвазига қуйидаги йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга солиб юборилди:

Химия саноатида: Чирчиқ электрохимия комбинатида, Лисичанск химия комбинатида ва Суми суперфосфат заводида, Бошқирдистондаги 18-комбинатда минерал ўғитлар; Горький ва Волгоград областларидаги корхоналарда ўсимликларни ҳимоя қиладиган химиявий воситалар; Балаково комбинатида, Чернигов Даугавпилс ва Энгельсдаги заводларда сунъий ва синтетик тола ишлаб чиқарувчи қувватлар ишга солинди. Волжский химия комбинатидаги шина заводининг биринчи навбати ишга туширилди.

Қора металлургияда: Магнитогорск металлургия комбинатида энг йирик домна печи, Череповец металлургия заводида мартен печи, ва Кривой-Рог металлургия заводларида штрипс стани, Ғарбий Сибирь металлургия ва Авдеев коксохимия заводларида кокс батареялари, Новолипецк металлургия заводида агломерация фабрикаси ишга туширилди. Шимолий Кривой-Рог кон саралаш комбинатининг биринчи навбати қуриб битказилди.

Рангли металлургияда алюминий ва мис эритиш саноати корхоналарининг қувватлари анча оширилди.

Электростанцияларда 2 миллион киловаттдан кўпроқ янги қувватлар ишга туширилди. Кузбассдаги Белово ГРЭСининг ва Қўриқ ўлкадаги 1-Павлодар ТЭЦининг дастлабки агрегатлари ишга солинди.

Нефтни қайта ишлаш саноатида Ново-Горьковский, Уфа, Красноводск, Ванновский, Фарғона ва Янги Боку заводларида янги қувватлар ишга солиб юборилди.

Бинокорлик материаллари саноатида Липецк ва Қант цемент заводлари ишга туширилди ҳамда йиғма темир-бетон ишлаб чиқарувчи янги корхоналар ишга солинди.

Тўқимачилик корхоналарида 200 мингга яқин ип-йигирувчи урчуқ ва уч мингта тўқув станоги ўрнатилди.

Озиқ-овқат саноатида янгидан сут, мой, пишлоқ, консерва заводлари, нон заводлари, музхоналар ва бошқа корхоналар фойдаланишга топширилди.

Давлат капитал маблағлари эвазига ҳаммаси бўлиб умумий қиммати 8,3 миллиард сўмлик **асосий фондлар** ишга туширилди. Бироқ, бир қанча тармоқларда, кўпгина иқтисодий районлар ва республикаларда асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ярим йиллик планлари қониқарсиз бажарилмоқда. Ишга туширилиши лозим бўлган баъзи қурилишлар зарур ускуналар, материаллар ва техника ҳужжатлари билан таъмин этилмаган.

Капитал маблағларнинг умумий ҳажми 5 процент ўсгани ҳолда, **химия саноатига сарфланган капитал маблағ** 37 процент, **целлюлоза-қоғоз саноатига сарфланган капитал маблағ** 62 процент, **нефтни қайта ишлаш саноатига сарфланган капитал маблағ** 28 процент, **химия ва нефть машинасозлигига сарфланган капитал маблағ** 51 процент, **қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағ** 19 процент кўпайди.

Қурилиш ташкилотлари **пудратлик ишлари** ярим йиллик планини умуман бажариб, ишлар ҳажмини 8 процент кўпайтирдилар. Айни маҳалда қурилиш ташкилотлари давлат планида кўзда тутилган объектларда бош шартномаларга мувофиқ амалга ошириладиган ишлар планини 97 процент бажардилар. Бир қанча қурилиш ташкилотлари пудратлик ишлари планини бажаришда жиддий равишда орқада қолмоқда. Масалан, Қозоғистон ССР Қурилиш министрлигининг ташкилотлари бош шартномаларга мувофиқ амалга ошириладиган **пудратлик** ишлари ярим йиллик планини 88 процент, Арманистон ССР Қурилиш министрлигининг ташкилотлари 84 процент, Ўрта Осиё иқтисодий райони Қурилиш давлат ишлаб чиқариш комитетининг ташкилотлари 90 процент, «Главэлеваторспецстрой» ташкилотлари 86 процент бажардилар.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 5,4 процент ошди. Бир қанча қурилиш ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархини камайтириш соҳасида топшириқларни бажармади. **Қурилиш-монтаж ишларининг таннархи умуман атиги 0,2 процент камайтирилди.**

V.
Халқ турмушининг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш

Ярим йил ичида ишчи ва хизматчиларнинг сони ўрта ҳисобда 71,4 миллион кишидан иборат бўлиб, 2,4 миллион киши кўпайди.

Ўтган ярим йилликда **профессионал-техника таълими ўқув юртлари ва мактаблари** саноатда, қурилишда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида ишлаш учун 300 минг ёш малакали ишчи тайёрлаб берди. Бевосита корхоналар ва ташкилотларнинг ўзида **якка-бригада шаклида шогирдлика олиш ва курсларда ўқитиш** йўли билан 6 миллионга яқин ишчи ва хизматчига янги касблар ўргатилди ва уларнинг малакаси оширилди. Бундан ташқари, **2 миллион 300 минг колхозчи ва совхоз ходимига** умумий агрохимия ўқуви тариқасида **қишлоқ хўжалигини химиялаштириш асослари ўргатилди.**

Аҳоли **ижтимоий истеъмол фондларидан** (бепул ўқитиш ва медицина хизмати кўрсатиш, бетоблик, ҳомиладорлик ва навбатдаги отпускалар вақтида маош тўлаш, пенсиялар, кўп болали ва ёлғиз оналарга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа тўловлар ва имтиёзлар) 17,8 миллиард сўмлик, ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6 процент кўп сарфланди.

Ярим йилликда аҳолининг **омонат кассаларига** қўйган пули 5 процентдан зиёд кўпайиб, 1 июлгача 14,7 миллиард сўм бўлди.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборoти ҳажми 45,4 миллиард сўмдан иборат бўлиб, солиштирма нархларда 5 процент кўпайди.

Давлат ва кооператив савдоси орқали **айрим товарларни сотиш** қуйидаги тарзда ўзгарди:

	Ярим йилликда сотилгани 1963 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан процент ҳисобида
Нон маҳсулотлари	101
Гўшт, колбаса маҳсулотлари ва гўштдан тайёрланган бошқа маҳсулотлар	102
Балиқ, сельдь ва балиқдан тайёрланган бошқа маҳсулотлар	117
Сариёғ	107
Ўсимлик мойи	113
Сут ва сут маҳсулотлари	106
Тухум	94
Қанд-шакар	106
Кондитер маҳсулотлари	117
Чой	110
Картошка	114
Сабзавот	98
Мевалар	120
Цитрус мевалар	108
Устки ва ички кийим-кечак	101
Трикотаж буюмлар	110
Пойафзал	114
Чарм пойафзал	103
Чинни-фаянс ва шиша идишлар	106
Совун	105
Мебель	110
Тикув машиналари	75
Холодильниклар	117
Кир ювиш машиналари	128
Пилесослар	110
Ҳамма турдаги соатлар	109
Мотоцикл ва мотороллерлар	100
Велосипед ва мотовелосипедлар	106
Радиоприёмник ва радиолалар	105
Телевизорлар	121
Енгил автомобиллар	103

Ўтган йили ҳосил унмаганлиги орқасида йилнинг биринчи ярмида баъзи озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш қисқариб қолди. Бироқ, кўрилган тадбирлар туфайли савдо-сотиққа қўшимча ресурслар сафарбар этилди, бу эса юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, **энг керакли озиқ-овқат товарлари сотишни кўпайтиришга** имкон берди.

Айни маҳалда аҳолининг баъзи товарларга бўлган талаби тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Бу гап, жумладан, кўпгина турдаги трикотаж буюмларга, холодильникларга, кир ювиш машиналарига тааллуқлидир. Кўпгина саноат корхоналари ва айрим Халқ хўжалиги кенгашлари халқ истеъмол қиладиган бир қанча товарларнинг, айниқса кийим-кечак, пойафзал, газламаларнинг сифатини оширишга ва хилларини яхшилашга лозим даражада эътибор бермадилар. Савдо ташкилотлари ўтмас буюмларни кабул қилишдан бош тортиш тўғрисида ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқдан кўпинча фойдаланмаяптилар. Бир қанча ҳолларда товар ресурсларини тақсимлаш вақтида аҳолининг талабини етарли даражада ҳисобга олмаяптилар, шунинг натижасида баъзи товарлар магазинларда босилиб қолмоқда.

Ярим йилликда **ташқи савдо оборoти 6,4** миллиард сўмдан иборат бўлиб, 9 процент кўпайди.

Халқ маорифи, фан, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантиришда янги ютуқларга эришилди.

Мамлакатда 65 миллионга яқин киши **турли шаклдаги ўқишга жалб қилинди,** шу жумладан 52 миллиондан кўпроқ киши умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, профессионал-техника таълими ўқув юртлари ва мактабларида ўқимоқда ва қарийб 13 миллион киши бошқа турдаги ўқишга жалб этилган.

Умумий таълим мактабларида 45 миллионга яқин ўқувчи билим олди, шундан 4 миллиондан кўпроқ киши ишлаб чиқаришда қатнашган ҳолда. ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида ўқимоқда. Ҳамма турдаги умумий таълим мактабларида ўқувчилар сони бир йилда 2 миллион кишидан зиёд, шу жумладан 9, 11-синфларда бир миллион киши кўпайди.

Мактаб-интернатларда, куни узайтирилган мактаблар ва группаларда 2,4 миллион ўқувчи ўқиди.

Бу йил **саккиз йиллик мактабни** 4 миллион ўқувчи, ёки ўтган йилдагидан 670 минг кўп киши, **ўн йиллик ва ўн бир йиллик мактабларни** бир миллион 400 минг ўқувчи, ёки ўтган йилдагидан қарийб 500 минг киши кўп битириб чиқди; шу билан бирга, **ишчи ва қишлоқ ёшлари** ўрта мактабларини 700 мингга яқин киши тамомлади.

Мамлакат **олий ўқув юртларида** 3,3 миллион, ёки ўтган йилдагидан 317 минг кўп студент; **ўрта махсус ўқув юртларида** қарийб 3 миллион, ёки ўтган йилдагидан 315 минг кўп киши ўқимоқда.

Бу йил олий ўқув юртлари 350 мингга яқин, ўрта махсус ўқув юртлари қарийб 550 минг мутахассис тайёрлаб чиқаради. Мамлакат халқ хўжалиги бир йилда ҳаммаси бўлиб 900 мингга яқин **олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар олади.**

Халқ университетлари кенг ривож топди. Шу йил 1 мартгача мамлакатда 9.629 та халқ университетлари мавжуд бўлиб, уларда 2 миллионга яқин тингловчи бор эди.

Киноустановкалар сони 3 мингга кўпайиб, 1 июлгача 134 мингтадан ошиб кетди; ярим йилликда 2 миллиарддан кўпроқ киши кино кўрди.

Давлат маблағлари, шунингдек уй-жой қуриш кооперацияси маблағлари эвазига биринчи ярим йилликда **умумий саҳни қарийб 19,5 миллион квадрат метр бўлган уй-жойлар, ёки 490 минг янги обод квартира** фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар ўз жамғармалари эвазига ва давлат кредити ёрдами билан кўп миқдорда уй-жой қуриб олдилар. **Янги мактаблар, касалхоналар, мактабгача болалар муассасалари ҳамда маданий-маиший ва медицина аҳамиятига эга бўлган бошқа объектлар** фойдаланишга топширилди. Бироқ, уй-жойлар, маданий-маиший ва медицина муассасаларини фойдаланишга топшириш плани бажарилмай қолди.

1964 йил 1 июлгача Совет Иттифоқи аҳолиси қарийб 228 миллион кишидан иборат бўлди.

* * *

Етти йиллик олтинчи йили биринчи ярмининг якунлари халқ хўжалигини ривожлантириш ва совет халқининг фаровонлигини ошириш соҳасида етти йиллик планни бажаришда янги ютуқларга эришилганлигидан далолат бериб турибди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ЎЗКОМПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ.

ЯНА «ТОҒОРА ТАШВИШИ» ҲАҚИДА

Коммунистик партия айни пайтда коммунизм бинокорлари бўлган совет кишиларини гоявий етук, маънавий юксак, камчиликларга муросасиз, эски урф-одатлардан ҳоли ва пок қилиб тарбиялашни яна ҳам актуал масала қилиб қўймоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XIII пленуми ҳам бу масалага жуда катта эътибор берди. Пленум меҳнаткашлар ўртасида, айниқса диний урф-одатлар кўпроқ тарқалган уюшмаган аҳоли ўртасида атеистик пропагандани кучайтиришни уқтирди. Шу муносабат билан биз маҳалламизда кўтарилган «тоғора ташвиши» масаласи хусусида яна фикр юритмоқчимиз. Маҳаллада эски урф-одатларга қарши олиб бораётган курашимизнинг дастлабки натижалари тўғрисида фикрлашиб, баъзи мулоҳазаларни ўртага ташламоқчимиз.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси маҳалламиз активлари ташаббуси билан кўтарилган «тоғора ташвиши» хусусида махсус мақола босиб чиқаргани ўқувчиларнинг эсида бўлса керак. Бу мақола жуда кўп маҳалла меҳнаткашларининг эътиборини тортди. Улар шу ҳақда газета орқали талайгина яхши фикрларни баён қилдилар ва қизғин муҳокама юритдилар. Албатта бу бечиз эмас. Чунки эски урф-одатлар кўпдан бери ҳаммаларнинг тинкасини қуритиб келади, жонига теккан. Аммо унга қарши ҳаммаерда еппасига ҳамжиҳатлик билан кескин кураш олиб борилмаётганлиги учун у ҳамон кўркам, маданий, ҳаётимизни хира қилиб турибди. Бунга кўпроқ «маҳалла-кўйчилик», «эл таомили» деган андишалар сабаб бўлаётир. Шу туфайли кўп кишилар ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан азият чекмоқдалар.

Масалан, хатна тўйлари, ифторлик яна бошқа хил диний маросимларга аслида кўпчилик ғайрияслар, аммо андишалар туфайли уни истар-истамас бажармоқдалар. Андиша бу йўлда катта тўсиқ бўлиб турибди. Замонамизга, маънавий қиёфамизга номуносиб ва мутлақо кераксиз зарарли расм-русумларга айни пайтда йўл қўйиб бўладими?!

«Тоғора ташвиши» мақоласида мана шундай принципиал масала кўтарилгани учун у ҳаммаларнинг эътиборини тортган эди. Аммо афсуски Киров район партия комитети бу масалада бизни қўллаб-қувватламади, бу муҳим масалага кўпчиликнинг эътиборини жалб қилмади.

Хўш, нима учун биз бу масалани кўтардик, бунга нима мажбур этди? Маълумки, бизнинг янги Карл Маркс номли маҳалла бунёд этилганига кўп бўлгани йўқ. Бу ерга хилма-хил одамлар ҳар томондан кўчиб келган. Улар бирбирларини яхши танимас эдилар. Чунончи, янги кўчиб келган Абдужаббор ака деган кишини биз ташқи қиёфасига қараб ҳурматли кексаларимиздан деб иззат қилардик. Лекин сал ўтмай бу киши ғалати ҳунар чиқарди. У Юнусободдаги Оқота мозорининг қоровули Салоҳиддин деган бир кишини алдаб тухумга арабча ҳарфлар билан «дуо» ёзиб берибди. Бу ҳодиса матбуотда фельетон бўлиб чиқди. Маҳалла активлари бу фактга бефарқ қарамадилар. Дарҳол Абдужаббор аканинг иши ўртоқлик судига берилди. Судда Абдужаббор ака эски урф-одатларни тарғиб қилиш учун ҳаракат қилганини маҳалла меҳнаткашлари жуда кўп далиллар билан фош қилиб ташладилар.

Бу факт маҳалла активларининг кўзини очди, жиддийроқ ўйлашга мажбур қилди. Мана шундан сўнг янги маҳаллада янги тартиб бўлсин, бу ерда эски одатлар, «тоғора ташвиш»лари бўлмасин деган фикрга келинди.

Шу мақсадда аввал хотин-қизлар советининг аъзолари ёрдами билан уйма-уй юриб, диний эътиқодларга берилган аёллар билан суҳбатлар ўтказилди. Динга ишонувчи кишиларни тўплаб маҳалла активлари суҳбатлар ўтказди. Лекин бирор киши ҳам бу учрашувларда, хатна ва никоҳ тўйларида қилинадиган беҳуда расм-русмларни, тоғора кўтариб бориб, тоғора кўтариб қайтишларни ёқлаб гапирмади. Балки улар кўпгина одатларни қаттиқ қоралаб чиқдилар. Маҳаллада ўтказилган мажлисда шундай қарор қабул қилинди: тўй комиссияси тузилсин, ким қандай маросим ўтказмоқчи бўлса шу комиссиянинг маслаҳатсиз ўтказмасин. Тўйларда жамоатчилик асосида нонвойлар, ошпазлар, самоварчилар ва бошқалар бепул хизмат қиладиган бўлсин. Бир неча киши шундай маросимларда бепул хизмат қиламиз деб ихтиёрий равишда розилик ҳам билдирди. Бу тадбир дабдабали серисроф тўйларга бир қадар чек қўйишга ёрдам берди. Маҳаллада хотин-қизлар тўй ва маросимларга тоғора кўтариб бормайдиган бўлди. Тўйларда тўққиз-тўққиз тортишлар йўқотилди.

Бундай амалий ишни бошлаш учун аҳоли ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш лозим бўлди. Маҳаллада жамоатчилик асосида қурилган клубда тез-тез лекциялар ўтказилди, концертлар қўйиб берилди, кинолар кўрсатилди. Лекция пропагандасини кучайтиришда биз олдин «Билим» жамиятининг район бўлими лекторларига гапириш иш олиб бормоқчи бўлган эдик. Бироқ «Билим» жамиятинг район бўлими ходимлари бизга яхши ёрдам бермадилар. Жамиятнинг айби билан бир неча лекция ўтмай қолди. Шундан сўнг биз маҳалла активларидан лекторлар группаси туздик. Уларнинг кучи билан иш олиб бордик. Лекциялар ўтказишда 96-мактаб ўқитувчилари, концертлар қўйишда Киров район маданият уйи ҳаваскорлари маҳалламизга яхши ёрдам бермоқдалар.

Клубда жамоатчилик асосида кутубхона ташкил қилинди. Бепул бирталай китоб тўпланди. «Янги ҳаёт» номли деворий газета ҳар ой сари чиқарилиб турибди.

Яқинда маҳаллада уставдан ташқари партия ташкилоти тузилди. Чунки бизда 40 дан ортиқ коммунист бор. Коммунистлар фақат ўзлари ишлаб турган идора ёки корхонадагина эмас, шу билан бирга яшаб турган жойларида маҳаллаларда ҳам ўзларининг коммунистик бурчларини адо этишлари лозим-да ахир.

Маҳалла партия ташкилотининг тарбиявий таъсир кучи жуда зўр. Партия ташкилоти кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда, жамоат тартибини сақлашда, кишилар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришда катта роль ўйнамоқда. Масалан, маҳаллада Тўлқин Баҳромов деган йигит бор. У коммунист, ғишт заводида цех бошлиғи бўлиб ишлайди: лекин у ҳар куни ишиб келиб, оиласига ва қўни-қўшниларга тинчлик бермасди. Маҳалла партия ташкилотининг бюро мажлисида Баҳромовнинг хулқ-атвори муҳокама қилинди. Унинг ҳамма айблари бўйнига қўйилди. Бу ҳақдаги материаллар ғишт заводи партия ташкилотига ҳавола қилинди. Шундан бери Баҳромов ичмайдиган, оиласида жанжал қилмайдиган бўлиб қолди.

Маҳалладаги уставдан ташқари партия ташкилоти диний урф-одатларга қарши курашни кучайтиришда ҳеч шубҳасиз ижобий роль ўйнамоқда. Қилинаётган ишларнинг таъсир даражаси ўсиб бормоқда. Маҳаллада 6 кишининг ҳатна тўйи қилиш ниятидан қайтганлиги шундан далолат беради. Пенсионер Риза Нормуҳамедов ўғлини уйлантирмоқчи бўлиб, маҳаллага мурожаат қилди. Тўй комиссиянинг маслаҳати билан ортиқча сарф-ҳаражатларсиз жуда кўнгилли, хушчақчақ ўтди. Ҳамма ҳурсанд бўлди.

Маҳалламизда шунга ўхшаш бир қанча ишлар қилинди ва қилинмоқда. Бироқ биз ҳамма ишимиз жойида деб айта олмаймиз. Эски урф-одатларга қарши кураш бутун жамоатчиликнинг ишидир. Маҳалламизда тоғора кўтариш йўқотила бошланди. Лекин биздаги тўйларга бошқа маҳаллалардан келганлар тоғора кўтаришиб келяпти. Биз тўйларни мумкин қадар маданий, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказишга ҳаракат қилсак, қўшни маҳаллаларда баъзан бунинг тескариси бўлаётир.

Бизнинг назаримизда эндиликда эски урф-одатларга қарши курашайлик деган шиорлар ташлашдан кўра конкрет кураш йўлига ўтиш пайти келди. Буни ҳалқ турмуш, коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган замонамиз талаб қиляпти. Ҳаётимизнинг тақозоси шу. Нима учун маҳаллалардан сайланган кенг жамоатчилик вакилларининг район ва шаҳар мажлисларини ўтказиб, шу ҳақда конкрет тадбирлар белгилаб олиш мумкин эмас. Ахир эски урф-одат ва расм-русмларга қарши кураш ҳар бир кишининг маънавий ва моддий манфаатини ифодалайди-ку. Нима учун биз ўтказган ва бошқа янги, таъсирли тадбирларни бошқа маҳаллаларда жорий этиш мумкин эмас?!

Иккинчи мулоҳазамиз, маҳаллада уставдан ташқари тузилган партия ташкилотларининг ролини ва обрў-эътиборини ошириш лозим деган фикрдамиз. Чунки бу тадбир айниқса эски урф-одатларга қарши курашда коммунистларнинг актив қатнашишини таъминлайди. Чунки эскилик сарқитлари корхоналар ва идоралардан кўра маҳаллаларда, уюшмаган аҳоли истиқомат қиладиган жойларда кўпроқ кўринмоқда.

Учинчи таклифимиз шуки, нима учун муассаса ва корхона партия ташкилотларининг маҳаллаларга оталик ёрдамини уюштириш, шу йўл билан эскилик сарқитларига қарши курашни кучайтириш мумкин эмас? Ахир, янги замон кишисини тарбиялаш ҳаммамизнинг муқаддас вазифамиз, партиявий бурчимиз-ку!

Тўртинчи таклифимиз, ичкилик хусусида. Ҳозир айрим ҳолларда янгича тўйларда ичкиликни кўпайтириб юбориб, кўп бемаъниликлар рўй бермоқда. Бу эскиликдан қочаман деб ичкиликбозликка, ёвдан қочаман деб яшинга учраш эмасми? Баъзан ичкилик авж олган янгича тўйлар номигагина янгича бўлиб, аслида эскича расм-русмлар ботқоғига ботган бўлади. Бизнингча бунга кўп жиҳатдан ичкилик айбдор. Баъзи тўй қилувчилар «ҳамма нарсани тахт-ку, ичкилигига ҳайронман» дейдилар. Жамоатчилик ана шу муҳим масалага ҳам бефарқ қарамаслиги керак.

Яна бир мулоҳаза: эски урф-одатларга қарши кураш ҳақида гап борар экан, ўзи масъул вазифада ишлайдиган, коллектив тарбиясига жавобгар бўлган айрим субутсиз ўқимишли ходимлар ҳақида гапириш керак. Бундайлар ўз иш жойида, кўпчилик олдида оғиз кўпиртириб гапирадилар-у, ўз уйларида илғор совет кишисига номуносиб равишда эски урф-одатларга риоя қиладилар. Матбуот саҳифаларида ана шундай шахслар ҳақида кўпроқ танқидий мақолалар, фельетонлар босиб, уларни эл олдида изза қилиш керак.

Хуллас, биз эскилик сарқитларни, беъмани расм-русмлар, ширин, маданий турмушимизни, аҳил рўзғоримизни бузишга йўл бермаймиз. Бу соҳада кенг кўламда — шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам актив ва конкрет, изчил ва дадил кураш бошлашга чақирамиз.

Назир НАЗАРОВ,
Киров районидаги Карл Маркс маҳалла комиссиясининг раиси.
Жамол МУҲИДДИНОВ,
маҳаллада тузилган уставдан ташқари партия ташкилотининг секретари.

ЭСКИЛИК САРҚИТЛАРИГА ЎТ ОЧАЙЛИК!

РЕДАКЦИЯДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми турмуш маданиятини юксалтириш, ўтмиш сарқитларини тугатиш — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шарти эканлигини уқтирди. Ҳозир республикамизнинг, жумладан Тошкент областининг партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, бутун жамоатчилик ана шу пленум қарорини бажариш учун актив курашга отланишган. Шу нуқтан-назардан қараганда, пойтахтнинг Киров районидаги Карл Маркс номли маҳалла комитети раиси, отставкадаги майор Назир Назаров ва «Ташсельмаш» заводи цех мастери, уставдан ташқари маҳалла партия ташкилотининг секретари Жамол Муҳиддинов ўртоқларнинг «Яна «тоғора ташвиши» ҳақида» сарлавҳали мақоласи диққатга сазовордир. Бу мақолада эски урф-одатлар, никоҳ ўқитиш, хатна ва бешик тўйлари, каби қолоқ расм-русмларга қарши маҳаллада олиб борилаётган кураш тажрибалари, бу яхши ташаббусни кенг кўламда авж олдиришга доир баъзи мулоҳаза ва таклифлар баён қилинган. Шунинг учун редакция мазкур мақолани кенг газетхонлар муҳокамасига тақдим этишни лозим топди.

Суратда: маҳалла активларидан хотин-қизлар советининг аъзоси С. Шамсиева ва маҳаллада чиқадиган «Янги ҳаёт» деворий газетасининг рассоми И. Раҳматов ўртоқлар газетанинг навбатдаги сонини тайёрлашмоқда.

Маҳалланинг жамоатчи агитатори ўқитувчи А. Абдуқодиров (ўнгдан иккинчи) маҳалла клубида СССР Олий Советининг IV сессияси материаллари юзасидан суҳбат ўтказмоқда.
М. Нуриддинов фотолари.

ҚАРДОШЛАР ҲУЗУРИГА

Ўзбекистон санъаткорлари қардош республикаларда тез-тез бўлиб туради ва ранг-баранг репертуарлари билан қардошларимизни хурсанд этишади.

Давлат мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти Тамарахоним ўз ансамбли билан Қирғизистон республикаси Ўш области меҳнаткашларининг меҳмони бўлди. Ўзбек санъаткорлари Ўш, Жалолобод, Қорасув, Ўзган ва бошқа шаҳарларда бўлиб 20 дан ортиқ концерт кўрсатишди.

Моҳир раққоса СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигидаги «Баҳор» халқ рақс ансамбли эса Фарғона водийсидан Ленинобод шаҳрига келди. Ўзбекистон Давлат филармонияси, Ўзбекистон радио ва телевидение комитети созандалари ҳам қардошларга хизмат кўрсатиш ниятида йўлга отландилар.

И. НУСРАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИГА МАРҲАМАТ

Эртадан кейин дам олиш куни. Юзлаб шаҳарлик меҳнаткашлар яна сўлим, роҳатбахш сайлгоҳларга, қўл бўйларига, Бўстонлиқ ва Бурчмулланинг боғиб тўйиб бўлмайдиган хушманзара сўқмоқларига қараб йўл оладилар. Бир хафталик хордиқни чиқариш, дам олиш кунини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш режасини тузадилар. Муздек зилол сувда чўмилиб, нуёш нурида тобланиб қайтадилар. Янги куч-ғайрат билан меҳнат постларидан ўрин оладилар.

26 июль дам олиш куни совет халқи Ҳарбий-Денгиз флоти кунини нишонлайдилар. Бу улуғ айёмда ДОСААФ республика комитети Тошкент денгизида спортчиларнинг катта байрамини ўтказишга қарор қилди. Агар сиз навбатдаги дам олиш кунингизни Тошкент денгизида ўтказсангиз ёмон бўлмайди. Негаки шу куни бу ерга теварак-атрофдан 50 мингга яқин киши келиши кутилмоқда. Бўка, Юқори-Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Оқнингдек денгизга революция скверидан ҳам автобус қатнайди. Ҳар иккала пунктда автобуслар 15 минут оралатиб йўлга чиқишади.

Денгизга поездда ҳам боришингиз мумкин. Бунинг учун бешта махсус поезд ажратилган.. Шанба ва якшанба куни маҳаллий вақт билан эрталаб соат 7-31, 8-50, 12-52 ва 16-15, 18-05 ва 502, 504, 506, 508 ва 510 сонли поездлар йўлга чиқади. Қайтишда ҳам сира қийналмайсиз.

Дам олиш кунингизни мазмунли ўтказмоқчи бўлсангиз, катта спорт байрамини кўрмоқчи бўлсангиз, Тошкент денгизига марҳамат!

Ш. УМУРЗОҚОВ.

КАТТАҚЎРҒОН САНЪАТКОРЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллик тўйига республикамиз санъат аҳллари ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Яқинда ўз гастролларини муваффақиятли тамомлаган машъал Хоразм санъаткорларининг кўрсатган спектакль ва концертлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Куни кеча пойтахтимизга Самарқанд область Каттақўрғон шаҳридаги ўзбек Давлат драма театри биринчи марта гастролга келди. Бу қўҳна шаҳарнинг санъаткорлари Тошкент томошабинларига саккиз спектакль ҳамда катта программада концерт кўрсатадилар. Гастроль томошалари 25 июлдан бошлаб Ленин комсомоли кўлидаги яшил театр биносида намойиш қилина бошлайди. Гастроль репертуарида драматург Н. Сафаровнинг «Уйғониш», П. Досснинг «Вузилган бола», Р. Мухторовнинг «Ким жиноятчи?», З. Фатхуллининг «Обиҳаёт», С. Улуғзоданинг «Гавҳар шамчироқ», Я Худойқуловнинг «Дугоналар», Г. Мдиванининг «Ватан ё ўлим», Н. Павловский ва Т. Чаковскийнинг «Йўқолган севги» каби саҳна асарлари бор.

Театрнинг постановчи режиссёри Рихси Ориғжонов гастроль томошаларига раҳбарлик қилади. Спектакларда асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Ширин Мелиева, ёш талантли артистлардан М. Мирзаев, З. Давлатова, Х. Истамов, Х. Азимова, Р. Рўзиев, Х. Омонова, Ш. Аминов, М. Йўлдошева, Қ. Юсупов, Б. Низомов, Т. Ортиқов ва бошқалар ижро этадилар. Санъаткор меҳмонларимиз гастроль кунларида телевизор экрани орқали ҳам чиқиш ташкил этадилар.

Каттақўрғонлик санъаткорларга пойтахтимизда кўрсатадиган томошаларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ИНОҚОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 24 ИЮЛЬ 1964 ЙИЛ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

АНГЛИЯДА ҚИЗИҚИШ КАТТА

ЛОНДОН, 22 июль. (ТАСС). Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Польша Халқ Республикаси 20 йиллигига бағишлаб Варшавада ўтказилган тантанали мажлисдаги нутқига Лондон матбуоти зўр қизиқиш билан қарамоқда. Кўпчилик газеталар, шу жумладан «Таймс», «Дейли экспресс», «Гардиан», «Дейли уоркер» ва бошқа газеталар нутқнинг баёнини, шунингдек Н. С. Хрушчевнинг суратларини босиб чиқарди.

Матбуот Совет ҳукумати бошлиғининг Қўшма Штатларда уришқоқлик руҳи билан айтилган гапларни ва у ерда ҳукм сураётган фашизм муҳитини қоралаб, гапирган сўзларини алоҳида ажратиб кўрсатмоқда. «Таймс» газетаси Н. С. Хрушчевнинг империалистлар дўқ-пўписаси социалистик мамлакатларни тағин ҳам кўпроқ жипслаштириб юборади, деган сўзларини таъкидлаб кўрсатмоқда.

Бир қанча газеталар Н. С. Хрушчев нутқининг социализм мамлакатлари ютуқларига бағишланган жойларига аҳамият бермоқдалар.

У ТАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 22 июль. (ТАСС). Вьетнам проблемасини куч ишлатиш йўли билан ҳал этиб бўлмайди. Сиёсий ва дипломатик музокараларгина бу масаланинг тинч ҳал этилишига олиб келиши мумкин, деди БМТ бош секретари У Тан Франция телевиденисининг мухбири билан суҳбатда. Бу масалани ҳал этиш учун, деб қўшимча қилди у, Женева кенгашига қайтиш керак.

Бирлашган Араб Республикасининг меҳнат ғалабалари

ҚОҲИРА, 22 июль. (ТАСС). Миллий байрамни меҳнат ғалабалари билан кутиб олиш Миср тарихида тарихий бўлиб қолди. Бу йил ҳам республикада революциянинг 12 йиллиги арафасида бир неча янги завод ва фабрика, шахта ва конлар ишга туширилди. 30 дан ортиқ янги қишлоқ хўжалик кооперативлари тузилди.

Қоҳира яқинидаги Хелвон деган жойда Совет Иттифоқининг актив иштироки билан қурилган икки завод—кокс-химия заводи ва поковка заводининг расмий суратда очилиши ишламоқдаларки, бундан яхшироқ иш бўлиши мумкин эмас. Уларнинг меҳнати ва куч-ғайрати туфайли биз бу кўркам заводни революциянинг 12 йиллигига ишга туширишимиз имкониятига эга бўлдик.

Хелвондаги митинг араб ва совет халқлари дўстлигининг намойишига айланди.

Бирлашган Араб Республикаси бош министрининг ўринбосари Азиз Сидқий митингда сўзга чиқиб, Бирлашган Араб Республикасининг саноатини ривожлантиришда кўрсатган катта ёрдами учун Совет Иттифоқига ташаккур изҳор қилди. Поковка заводининг директори Юсиф Саъдиддин митингда совет мутахассислари тўғрисида жуда самимий гапларни айтди. Бизнинг совет дўстларимиз, деди у, араб ишчилари ва инженерлари билан бирга ёнма-ён туриб ишламоқдалар, шунчалик яхши ишламоқдаларки, бундан яхшироқ иш бўлиши мумкин эмас. Уларнинг меҳнати ва куч-ғайрати туфайли биз бу кўркам заводни революциянинг 12 йиллигига ишга туширишимиз имкониятига эга бўлдик.

ГАМБИЯ МУСТАҚИЛ БЎЛАДИ

ЛОНДОН, 22 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Гамбияга мустақиллик бериш масаласига бағишланган конференция очилди. Музокараларда Гамбия томонидан бош министр Дэвид Жавара бошчилигидаги ҳукумат вакиллари иштирок этмоқда. Англия делегациясига миллатлар ҳамдўстлиги ва мустамлакалар министри Данкен Сэндис бошчилик қилмоқда.

Конференция мамлакатнинг бўлажак статуси тўғрисида Гамбия ҳукумати тақдим этган таклифларни қараб чиқади. Бу таклифлар Гамбияга 1965 йил февралида мустақиллик берилишини кўзда тутади.

ИҒВОГАРЛИКЛАР БАРБОД БЎЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 22 июль. (ТАСС). АҚШ таможня хизмати тепасигача қурол-яроғ юкланган тезсузар катери Ки-Уэст (Флорида) яқинида ушлаб олди. Катерда кетаётган кубалик тўрт контрреволюционер билан америкалик бир фотограф қамоққа олинди.

Катердан кўп миқдорда ўқ, ўнлаб қўл гранатаси, хонаки бомбалар, автомат милтиқлар ва 20 миллиметрли замбарак топилди.

Илгари хабар қилинганидек, таможня маъмурлари яқиндан Уэст-Палм-Бич шаҳри (Флорида) яқинида контрреволюционерларнинг иккимоторли самолётини ушлаб олган эдилар. Самолётнинг ичида Озодлик оролига ташлаш учун мўлжалланган тўртта бомба бор эди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИЗОР

24 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00—**Орбитада ёш техник** (мактаб ўқувчилари учун). 18.30 — **Телевизион янгиликлар**, 18.50—**Адресимиз: СССР, Тошкент**, 19.15 — **Ўртоқ такси** (ҳужжатли фильм). 19.35—Ж. Бизе. **Кармен** операсидан парчалар Большой театр артистлари ва Италия қўшиқчиси Марио дель Монако ижросида).

20.40—**Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.50—**Телевизион янгиликлар**, 21.10—**Зарбдор комсомол қурилишларида** («Ёшлик» студияси кўрсатади). 21.30—**Чорвадорлар учун**, 21.50—**Иблис маконди** (телевизион бадиий фильмнинг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.20—**Севимли қўшиқ** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VII да **Травиата**, 25/VII да **Оққуш кўли.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Қандай қилиб севимли бўлиш мумкин—«СПУТНИК» (тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (кеч соат 8 ва 10 да).

Итальянча қўйди-чиқди—«МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ромео, менинг қўшним—«СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ВАТАН» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 6 да), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун),

Митти бола—«ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

ЕЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9-10 минут ва 10 яримда)

Ромео, менинг қўшним—«ВАТАН», «ФЕСТИВАЛЬ».

Қандай қилиб севимли бўлиш мумкин—НАВОИЙ номли «ШАРҚ».

Итальянча қўйди-чиқди—ТЕЛЬМАН номли.

Урушдан кейин кеч соат 6 да—«УДАРНИК».

Душанба—оғир кун—1 МАЙ номли.

«Совет Ўзбекисточи», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Ўзбекистон» бирлашган таҳририятининг босмахонаси.

Р. 06871
ИНДЕКС 64695.
Нашр № 1803.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.